

Ishonch

№ 46 (2615) - son

2009-yil


Ch P J Sh Ya D S Ch P J Sh Ya D S Ch P J Sh Ya D S Ch P J Sh Ya D S Ch P
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30

Aprel

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✻ E-mail: ishonch-doverie@mail.ru ✻ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan




Рашид ГАЛИЕВ олган сурат



«Ёшлик» қачон гавжум бўлади? 4



Ҳаё ва ибонинг кўриниши кийимдир 5



Нигоҳ 13

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

15 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика Ҳукуматининг шу йил 13 февралдаги мажлисида белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи чорак якунлари муҳокама қилинди ҳамда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини мамлакат иқтисодиётига таъсирини олдини олиш ва бартараф этишга йўналтирилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишни жадаллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,9 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 9,9 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 12,5 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўсиши 5,7 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши 16,6 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 12,1 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилиши таъминланди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан юқори бўлмади.

Таркибий қайта ўзгартиришлар ва иқтисодиётни диверсификациялаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши инвестицияларнинг 31,4 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 2,5 баравар кўпайишини таъминлади. Ҳисобот чорагида 54 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Наманган вилоятидаги «МРТ Текстиль» ва «Клайна текстиль», Фарғона вилоятидаги «Бешариқ текстиль», Тошкент шаҳридаги «Айтуг текстиль», Сирдарё вилоятидаги «Мили Гулистон текстиль» қўшма корхонаси тўқимачилик корхоналари, Қашқадарё вилоятидаги «Китоб оқила сут» сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни кучайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, шу жумладан, солиқ юкини янада камайтирилиши, текширишлар сонининг кескин қисқартирилиши ва имтиёзли кредит беришни кенгайтирилиши кичик бизнес ва хизматлар соҳасини янада ривожлантиришни таъминламоқда. Ҳисобот чорагида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўтган йилнинг тегишли давридаги 35,1 фоиз ўрнига 36,2 фоизгача ва хизматлар соҳасининг улуши 44,4 фоиз ўрнига 45,5 фоизгача кўпайди.

Ривожланишнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурлари ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши 208,6 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

Мажлисда Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилиши, шу жумладан, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва шу асосда уларнинг экспорт ҳажмини кенгайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга, банк кредитлари бўйича, истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун қарздорликни кечиктириш шаклида экспорт қилувчи корхоналарни бюджет орқали ва кредит бериш йўли билан қўллаб-қувватланганлиги қайд этилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажми 6,1 фоизга ўсди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди.

Шу билан бирга, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзқурилишматериаллари» компаниялари, «Ўзфармсаноат» концерни, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги раҳбарларига янги бозорларга чиқиш, маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва корхоналарда маркетинг ишларини кучайтириш ҳисобига маҳсулот экспортини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини танқидий таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан жиҳозлашнинг қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни жадаллаштириш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун жалб этилаётган инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг раҳбарлари олдига тармоқлар ва корхоналарни инновация жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашга, стратегик инвестиция лойиҳалари ва техник жиҳатдан модернизация қилиш лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва экпертизадан ўтказилишини мувофиқлаштиришни кучайтиришга йўналтирилган тизимли ишларни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Мажлисда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш, шу жумладан, буни маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш орқали таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши батафсил муҳокама қилинди. Мамлакат Президентининг қарорлари билан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг кенг рўйхати, шунингдек, мазкур қарорларда уларга имтиёзли кредит беришни кескин оширишга доир белгиланган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва ички бозорни улар билан тўлдириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиши қайд этилди.

Хўжалик бирлашмалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари олдига озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари бажарилишини, шунингдек, уларни аҳолига узлуксиз етказиб берилишини сўзсиз таъминлашга йўналтирилган аниқ вазифалар қўйилди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, ободонлаштириш ишларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни, шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар Ҳукумат мажлиси иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Ҳисобот йилида 249,1 км. газ ва 237,7 км. сув қувурлари тармоқлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 220,6 км. газ ва 202,9 км. сув қувури тармоқлари ишга туширилди, 1441,8 минг кв.м. уй-жой, шундан қишлоқ жойларда 1219,8 минг кв.м. якка тартибдаги уй-жой қурилди. Йўллар қуриш, қишлоқни янада ривожлантириш ва ободонлаштиришнинг ресурс, институционал ва ташкилий базасини яратиш юзасидан кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Мажлисда компаниялар, уюшмалар ва республиканинг ҳудудлари бўйича дебитор ва кредитор қарздорликнинг ҳолати, шунингдек, муддати ўтган қарздорликни қисқартириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги танқидий кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди. Истеъмолчиларга етказиб берилган ресурслар учун муддати ўтган қарздорликни, шунингдек, электр энергияси ва газнинг техник ва тижорат жиҳатдан исроф бўлишини камайтириш бўйича етарлича иш олиб борилмаётганлиги учун «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» компаниялари, бир қатор вилоятларнинг ҳокимликлари фаолияти танқид қилинди.

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзтрансгаз» ва «Ўзбекэнерго» компанияларига Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, тижорат банклари ва вилоятлар ҳокимликларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

Қишлоқ ўқитувчилари мамнун

Илгари хабар қилганимиздек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг иш режасига асосан 2009 йилнинг апрел-май ойларида республикамизнинг дам олиш масканларида қишлоқ таълим муассасалари педагогларини бир ҳафта мобайнида соғломлаштириш ишлари давом этмоқда. Бундай тадбирларнинг биринчиси 6 — 11-апрел кунлари Наманган вилоятининг «Чортоқ» санаторийсида ўтказилиб, унга Фарғона водийсининг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларининг 84 нафар бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси жалб қилинган эди.





Шундай маънавий-маърифий тадбир 13 апрелда Тошкент вилоятининг «Бўстон» санаторийсида ҳам бошланди. Эрта тонгдан Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларидан ташриф буюрган ўқитувчиларни санаторий ходимлари очиқ чеҳра билан кутиб олиб, дастлаб уларни санаторий шарт-шароити билан яқиндан таништиришди.

Муаллимларни ҳар қанча эъзозласак ҳам оз. Уларнинг саломатлигини тиклашга қаратилган бу каби тадбирлар эса ниҳоятда хайрлидир. «Бўстон» санаторийсидан шодон кайфиятда чиқиб келаётган ўқитувчилар билан суҳбатлашиб, шунга амин бўлдикки, устозлар бу эътибордан бениҳоя хурсанд.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси Бахтиёр Соатов:

— Ҳар қандай касб эгаси биринчи галда ўз соғлиғига эътибор бериши зарур. Биз бу санаторийга келиб, ширинсўз шифокорлар буюрган муолажаларни ўз вақтида олаяпмиз. Ўзимни ҳар доимгидан ҳам бардам сезаяпман.

Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси Дилбар Бозорова:

— Бироз ишдан чалғиб, дам олиш ҳам кони фойда экан. Бу ернинг ҳавоси тоза, санаторийда барча шароит муҳайё. Энг муҳими, бу ерда ҳамкасбларимиз билан танишиб, тажриба алмашаяпмиз.

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Исматова:

— Санаторийга келгач дастлаб врач назоратидан ўтдик. Соғлиғимизни тиклаш мақсадида бу ерга келиб, хато қилмабмиз. Қишлоқ педагогларига кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Ушбу маънавий-маърифий дастур доирасида минтақавий ўқув семинари ҳам ўтказилди. Семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг масъул ходимлари ҳамда олий ўқув юртларининг олимлари маъруза қилишди.

Шундай тадбирлар 20 — 25-апрел кунлари Қашқадарё вилоятининг «Қашқадарё соҳили» ва 27 апрел — 2 май кунлари Бухоро вилоятининг «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида бўлиб ўтади.

Орзугул РУСТАМОВА.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Исахон аслида далада туғилган экан. Далага меҳри бўлакчалиги балки шундандир. У бутун ҳаётини пайкалларда ўтказиб келмоқда. Ҳар куни далага бормаса куни ўтмайди.

Соҳибкор ўзбек халқи,
Деҳқон Ашроф авлоди.
Пахтакорлик санъатинг,
Тарихдан қарирокдир.

Академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг ушбу сатрларини мактаб партасида ёд олган Исахон ўша пайтлардаёқ «Мен деҳқон Ашраф бобо авлодиданман, бободеҳқон мададкор бўлсин, мен пахтакор бўламан», деб ният қилган эди.

Дала сардори

Ўрта мактабни аъло баҳоларга битирган қаҳрамонимиз тенгқурлари сингари институтга йўл олмади. Ҳатто синфдошлари: «кетдик бахтимизни синаб кўрамиз, ҳеч бўлмаса Тошкентдек азим шаҳарни маза қилиб айланиб келамиз», деб уни кўндиришга уринди. Аммо қатъиятли Исахон ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномани олгач, падари бузруквори Саидносирхон аканинг олдига бориб, «пахтакор бўлмоқчиман, ота, дуо беринг», деди. Отаси дуо берди. Шушу Исахон дала фарзандига айланди. Институтга кирган ўртоқлари фалсафа, иқтисод, тарих фанларини ўқий бошлаган бўлса, Исахон дала фалсафаси-ю ер билан сўзлашиш фанини ўзлаштира бошлади. Бўйчан, қотмадан келган, нигоҳи теран йигитни синов тариқасида эгатчи этиб қўйишди. Бир-икки йилда Исахонни устози Бойқобил Раҳмонов яна бир даража кўтарди. Энди у бригадир ўринбосари — табелчи этиб тайинланди. Ҳар бир меҳнатчининг ҳақини аниқ ёзиб борди. Даладан бир дақиқа ҳам жилмади. Ҳар бир киши меҳнатига яраша ҳақ олиши керак-да. «Заводнинг ишчиси яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарса, ГОСТ деган ташкилот қайтариб ташлайди. Бизда эса ағдарма чопиқ ўрнига, устини қириб, агатнинг ичига тупроқ ёпиб кетсак, ким билиб ўтирибди, дейдиганлар топилади. Ана ўша ГОСТнинг вазифасини мен бажараман», дер эди.

Устози нафақага чиққандан кейин ўрнига Исахон Баҳромовни тавсия этди. Туман раҳбарлари хайрихоҳлик билдиришиб, ёш бригадирга ҳар томонлама ёрдам беришди. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда мулкдорлар қатлами шакллана бошлади. Исахон Баҳромов нафақат туманда, балки вилоятда биринчилар қаторида фермер хўжалиги ташкил этиб, унга отаси, кекса пахтакор (Аллоҳ раҳмат қилсин) Саидносирхон аканинг номини берди. Ўша йиллари барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги ҳам издан чиққан эди. Мамлакатимизда янгиланиш, туб иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар бошлаб юборилди. Дастлаб 47 гектар ерда иш бошлаган «Саидносирхон» фермер хўжалиги бугунги кунда 307,5 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда.

Ангорликлар узоқ йиллар ипак пахта етиштиришга ихтисослашган эди. Раҳмон Файзиев, Бозор Жўрақулов, Нурмат Дониев, Ҳубажамол Абдулҳакимова, Турсуной Ғойипова ва бошқа уста пахтакорлар мактаби яратилган, десак муболаға бўлмайди.

Аммо мустақилликнинг дастлабки йилларида ипак пахта толасига жаҳон бозорида талабнинг камайиб кетганлиги туфайли Исахон Баҳромов ҳам «Наманган 77» навли уруғ экишга мажбур бўлди. Кейинчалик «Бухоро-6» навининг агротехникаси ўзлаштирилди. Аммо бу навлар қишлоқ хўжалик зараркунандалари — шира, ўргимчаккана, беда кандаласи каби ҳашаротларга тайёр озуқа эканлиги аён бўлиб қолди.

Айниқса, бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда бошқа ҳудудларга нисбатан 7-10 авлод кўпроқ уруғ қўйиши катта муаммолар келтириб чиқарди. Деҳқон бармоғини тишлаб қоладиган ҳолатлар вужудга келди. Шунда фермер ҳеч иккиланмасдан Каромат Алламуродов раҳбарлик қилаётган биолабораторияга йўл олди. Биолаборатория маъмурияти билан шартнома тузилди. Биомаҳсулотлар — габрабракон, трихограмма, олтин куз, хон қизи ижобий самара бера бошлади. Йилдан-йилга ҳосилдорлик ошди. Бунинг фойдасини сезган бошқа фермерлар биолабораторияларга, туман марказида ташкил этилган «Сурхонбиопахтаҳимоя» МЧЖга шартнома тузиш учун навбатга туришадиган бўлишди.

Бир мунча оғир келган ўтган йилда ҳам қаҳрамонимиз раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги мавжуд 118,4 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 47 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Шартномавий режалардан ташқари 150 тонна оқ олтин топширди, ялпи ҳосил эса 547 тоннадан ошиб кетди.

Ўтган йил баҳорида «Саидносирхон» фермер хўжалиги даласида ўтказилган вилоят семинарида Исахон Баҳромов сўзга чиқиб:

— Мана шу пайкалдаги ғўза ниҳоллари кўкариб чиққанига борйўғи 10 кун бўлди, — деди. — У билан сўзлашсангиз: менга ҳаво, иссиқлик ва озуқа беринг, дейди. Она замин, аввало, ўзининг асл «фарзанд»ларига озуқа беради. Шамак, ажриқ, қора шўро, отқулоқ, ғумай, зулпитурм ва ҳоказо. Улар ниҳоятда яшовчан. Бизнинг пахталаримиз чин барг чиқаргунча, улар беш-олти барг чиқариб, анча илдиз отиб олади. Уни фақат култивация ва ағдарма чопиқ енгиши мумкин. Шунинг учун айтишадилар-да: оқни худо беради, кўкни эса тортиб оласан, деб. Бунинг маъноси шуки, пахта машаққатли меҳнат натижасида етиштирилади.

Уста пахтакорнинг бу сўзлари катта олқишлар билан кутиб олинди.

Тумандаги кўпчилик фермерлар вақти-вақти билан, айниқса, ҳар бир агротехник тадбир олдидан қаҳрамонимиз далаларида кенгашиб олишади. Хизмат юзасидан мен ҳам қатнашаман. Кенгаш якунида ишлаб чиқилган тавсиялар туман миқёсида ўтказиладиган семинарларда оммалаштирилади.

Исахон Баҳромов Президент Фармони асосида экиннинг пайҳон қилиниши масалаларига алоҳида эътибор қаратади. 8 ой давомида бирорта мол фермер хўжалиги далаларига йўламайди. Шунинг учун ҳам дала атрофидаги ошқовоқ, картошка, ловия, маккажўхори ва бошқа экинлардан етарли ҳосил олинаяпти. Бу эса далада ишлаётганларга ҳар куни иссиқ овқат қилиб беришда қўл келмоқда. Бундан ташқари, 100 та товуқ, 4 та соғин сигир дала меҳнаткашларини тухум ва сут билан таъминлаяпти.


Андижонда гектаридан 100 центнердан ғалла етиштирилаяпти, дейишса сурхондарёликлар, айниқса, ангорликлар елка қисиб қўйишарди. Ишласа бўлар экан. Сурхондарёнинг жанубий туманларида биринчи бўлиб «Саидносирхон» фермер хўжалиги 100 центнерлик маррани забт этди.

Исахон Баҳромовнинг фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, дала маданиятини юксалтиришга қўшиб келаётган меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. 1992 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвони берилган бўлса, 2007 йилда Президентимиз томонидан «Саидносирхон» фермер хўжалигига «Дамас» енгил автомашинаси совға қилинди. 2006 йилда эса фермер «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлди. Ўтган йили унинг учун энг қувончли йил бўлди. Президентимизнинг Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига сазовор бўлди.

Э.МАРДОНОВ,
Аграсаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ангор туман кенгаши раиси

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» тамойилига

Шифокорнинг серқирра хислатлари



«Назарбек» сиҳатгоҳида дам олувчи ҳамюртларимизга Шавкат Эшонхўжаев яхши таниш бўлиб қолган. Шавкат аканинг бу даргоҳга кўп меҳнати сингган. Унинг отаси Жўра бобо ҳозирги Занги ота тумани Назарбек қўрғонидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалигида раис бўлган. Эл-юртга бош, ишбилармон ва маърифатпарвар киши эди. Раислик даврида елиб-югуриб ўрта мактаб қурдирган. Ҳозирда бу мактаб Жўра Эшонхўжаев номи билан аталади.

Шавкат ака оиланинг кенжа — бешинчи фарзанди бўлиб, болаликдан шифокор бўлишни орзу қилди. ТошМИда ўқиди. Ўқишдан кейин дерматолог бўлиб ординатурани ўтади, ассистентлик қилди. Кейинчалик Тошкентдаги Марказий темир йўл поликлиникасига ишга ўтди. Сўнгра Ўзбекистон темир йўлларининг соғлиқни сақлаш хизматига ишга таклиф этишди. Пухта иш юритиши, ташкилотчилиги сабаб, 1983 йили бу хизматга бошлиқ бўлди. Раҳбар-шифокор сифатидаги 20 йиллик меҳнат фаолиятида тиббиёт тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, темирйўлчилар учун сиҳатгоҳлар ва шифохоналар қурилишида бош-қош бўлди.

Темирйўлчиларнинг дам олиши ва даволаниши учун ажойиб лойиҳа асосида қурилган «Назарбек» сиҳатгоҳининг бунёд этилиши соҳада улкан воқеа бўлди. Ўша йиллари темирйўлчилар учун кўплаб янги шифохона ва поликлиникалар ҳам қурилди. Бу эзгу ишларда Шавкат аканинг ҳам ҳиссаси катта.

Унинг меҳнатлари муносиб қадр топди. 1994 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони билан тақдирланди, «Фахрий темирйўлчи» унвонига сазовор бўлди.

1984 йилда унинг ташаббуси билан Сирғалида Ўзбекистон темир йўлларига қарашли махсус тиббиёт билим юрти очилди. Чунки ўша йиллари темир йўл тизими учун ҳар йили Москвадан 120 та тиббиёт ҳамшираси олинар эди. Шундан кейин бу «анъана» барҳам топди.

1999 йилда Шавкат ака «Назарбек» сиҳатгоҳига бош шифокор бўлиб ўтди. Унинг тажрибаси бу ерда ҳам қўл келди. 2003 йилда сиҳатгоҳнинг 100 ўринли янги корпуси битказилиб, ишга туширилди. Натижада, даволаниш ўринлари сони 300 тага етди.

Шавкат аканинг характерида кўп ажойиб томонларни учратасиз. У, аввало, ўз қишлоғи Назарбекни жуда қадрлайди. Шунинг учун Тошкентда 40 йилдан ортиқ турли нуфузли лавозимларда ишласа ҳам бирор марта шаҳардан уй-жой олишга қизиқмади. Уйидан 22-25 чақирим олисдаги ишхонасига кунда қатнади. Уни билганлар қишлоқдан трамвай қатнайдиган «Тақачи» бекатигача пиёда борганларини кўп эслашади.

У ерни, деҳқончиликни севади. Шунданми, Назарбекдаги хўжалик ерларидан 50 гектар ер олиб, деҳқончилик қила бошлади.

Чорвага меҳри баландлигидан шахсий чорвачилик фермасини очди. Унда 100 бош қорамол бор. Унинг бу тадбиркорлиги боис ҳамқишлоқларидан 15 одам далада иш билан таъминланди, 10 киши эса чорва фермасига бириктирилди.

Деҳқончилик ва чорвадан кўрган даромади ҳисобидан маҳалла йўлларини асфальт қилдирди, насос қўйиб, маҳаллага сув чиқарди, газ, электр келтирди. Даласидаги пайкаллар четига минглаб тераклар экди, мевали дарахт кўчатлари ўтқазиб, боғлар яратди.

Шавкат ака сиҳатгоҳга келган дам олувчиларнинг дарду ўйи билан яшайди. Ахир одамларга наф келтириб яшашдан ҳам аъло бахт борми?

Адҳам ДАМИНОВ

Ishonch 2009-yil 16-aprel
№ 46 (26151)



Пенсия таъминотидаги узилишлар

Жиззах вилоятида пенсия таъминотида узилишлар бўлаётгани ҳақидаги узун-қулоқ гапларда жон бор. Бунга сабаб — молиявий хизмат кўрсатувчи еттита банк муассасаси талабномаларга кўра, етарлича нақд пул таъминотини уддалай олмаётганликларидир.

Жорий йилнинг 2 март ҳолатига кўра, банк муассасалари молиялаштирилган 9376598,2 сўм ўрнига 1.862.759 сўмлик нақд пул тўловини амалга оширдилар.

Вилоят Марказий банк бошқаруви раҳбарияти номига «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Жиззах филиали директори Б.Ҳошимов имзоси билан юборилган 22 январдаги хатда таъкидланганидек, «вилоят бўйича январ ойи пенсия тўлови учун 9.370.500 минг сўмга талабнома берилгани ҳолда нақд пул билан таъминлаш 12,4 фоизни ташкил этган. Бу билан «Пенсия ва нафақа тўловларини амалга ошириш бўйича йўриқнома» талаблари қўпол равишда бузилмоқда.

Пенсия тўловининг бориши ҳақидаги тезкор маълумотнинг 2 март ҳолатини кузатар эканмиз, вилоят бўйича 102.634 нафар кишига пенсия тўлови тўла молиялаштирилгани ҳолда хизмат кўрсатувчи банклар ва уларнинг шахобчалари феврал ойида 19,9 фоизга нақд пул билан таъминланганига нима дейсиз? Оқибатда, 77145 пенсионер пенсия пулини ололмаётир.

Бахмал, Фориш туманларида молиялаштирилган пенсия тўловини нақд пулда таъминлашга масъул бўлган «Пахта банк» шахобчалари умуман нақд пул бермади. Натижада, Бахмал туманида 11675 киши, Фориш туманида 7580 киши пенсия пулини вақтида ололмади.

Мазкур банкнинг Жиззах, Ғаллаорол туманларидаги шахобчаларида ҳам нақд пул таъминотида узилишларга йўл қўйилаётир.

Маълумотларга кўра, феврал ойида «Асакабанк» Жиззах шаҳри пенсионерларига 66 фоиз, «Савдогарбанк» Дўстлик туманида 34,7 фоиз, «Микрокредитбанк» Мирзачўл, Зомин туманларида 6,2 фоиз, «Алоқабанк» Зарбдор туманида 9,8 фоиз, «Миллий банк» Пахтакор туманида 52,9 фоиз, «Ғаллаорол банк» Янгиобод, Арнасой, Зафаробод туманларида 4,8 фоиз нақд пул таъминотига эришган, холос.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Жиззах филиали директорининг ўринбосари Алихан Айдаровнинг таъкидлашича, молиявий хизмат кўрсатишга масъул еттита банк раҳбарига нақд пул таъминоти юзасидан қилинаётган ёзма мурожаатлар эътиборсиз, жавобсиз, оқибатсиз қолдирилаяпти.

«Мижоз банк учун эмас, банк — мижоз учун!» деган ўқлоғдек битиклар мағзини мутасаддилар яна бир карра чақиб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Қачон гавжум бўлади?

Республика касаба уюшмалари Федерацияси Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан «Ёшлик» ёпиқ сув спорти мактабини қуриб берган, у Оролбўйи маҳалласида 32-умумий таълим мактаби билан бақамти бўлиб фойдаланишга топширилганди.

Табиийки, бу ерда бир неча сув спорти тўгараклари фаолият юрита бошлади. Бундан ташқари, замонавий спорт анжомлари билан таъминланган спорт залида каратэ, бадиий гимнастика сингари тўгараклар ҳам ташкил қилинди. Тўгаракларга вилоятдаги етакчи спорт мактаблари ва кўплаб республика ва халқаро мусобақалар ғолибларини тайёрлаб берган «Делфин» сув спорт мактабининг тажрибали мураббийлари жалб қилинди.

Спорт мактабида ҳозирги кунда 120 дан ортиқ ўғил-қизлар саккизта гуруҳда белгиланган жадвал асосида машғулотлар ўтказишади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда спортга кўникма ҳосил қилиш гуруҳлари ҳам мавжуд. Спорт мактаби ўқув хонасида дарслар ташкил этиш учун зарур анжом ва қўлланмалар етарли.

Тиббий хизмат кўрсатиш хонаси малакали мутахассислар билан таъминланган. Бу соҳа ходимлари ҳавза сувининг гигиеник ҳолатини ҳам доимий назоратда сақлашади. Германиядан келтирилган замонавий фильтрлаш мосламалари орқали ўтказиладиган сув болалар саломатлиги учун мутлақо безарардир.

Бироқ яратилган шароитларнинг мукаммаллигига қарамасдан спорт мактабининг сув спорти тўгараклари фаолияти ҳар йили куз-қиш фаслида вақтинча тўхтатилади. Мураббийлар ва техник ходимлар ўз ҳисобларидан таътилга чиқишга мажбур бўладилар. Ҳавза суви тўкиб ташланади. Бунга асосий сабаб қишда газ босими кескин пасайиб кетади. Бундан ташқари, ҳавза сувини иситиш тизими электр қувватида ишлайдиган тўртта «Титан»дан иборат эканлиги, ҳудудда электр энергиясини ҳар куни 10 соатга яқин режали ўчирилиши ҳавза сувини ўз вақтида иситиш имконини бермаяпти.

«Ёшлик» спорт мактабининг хўжалик ишлари мудири Сайидалихон Ғиёсхоновнинг сўзларига қараганда, 32-мактаб қозонхонасидан келадиган иссиқлик ҳавзасининг ечиниш, душ қабул қилиш, спорт зали ва ўқув хоналари ҳароратини болалар саломатлиги учун хавфсиз даражага кўтариб бера олмайди.

— Мактабда болалар иссиқ кийимларда ўтиришади, — дейди у. Қолаверса, синф хоналари ҳарорати 15-18 даража бўлса кифоя, бироқ сув ҳавзаси учун қиш кунларида 27-30 даража иссиқлик нормаси белгиланган. Чунки сув ва хоналар ҳарорати тенг бўлиши керак.

Вужудга келган вазиятдан чиқиш ва сув ҳавзасида машғулотларни ёрдамида молиялаштирилган пенсия тўловини нақд пулда таъминлашга масъул бўлган «Пахта банк» шахобчалари умуман нақд пул бермади. Натижада, Бахмал туманида 11675 киши, Фориш туманида 7580 киши пенсия пулини вақтида ололмади.

Мазкур банкнинг Жиззах, Ғаллаорол туманларидаги шахобчаларида ҳам нақд пул таъминотида узилишларга йўл қўйилаётир.

Маълумотларга кўра, феврал ойида «Асакабанк» Жиззах шаҳри пенсионерларига 66 фоиз, «Савдогарбанк» Дўстлик туманида 34,7 фоиз, «Микрокредитбанк» Мирзачўл, Зомин туманларида 6,2 фоиз, «Алоқабанк» Зарбдор туманида 9,8 фоиз, «Миллий банк» Пахтакор туманида 52,9 фоиз, «Ғаллаорол банк» Янгиобод, Арнасой, Зафаробод туманларида 4,8 фоиз нақд пул таъминотига эришган, холос.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Жиззах филиали директорининг ўринбосари Алихан Айдаровнинг таъкидлашича, молиявий хизмат кўрсатишга масъул еттита банк раҳбарига нақд пул таъминоти юзасидан қилинаётган ёзма мурожаатлар эътиборсиз, жавобсиз, оқибатсиз қолдирилаяпти.

«Мижоз банк учун эмас, банк — мижоз учун!» деган ўқлоғдек битиклар мағзини мутасаддилар яна бир карра чақиб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Қачон гавжум бўлади?

қишда ҳам давом эттиришнинг ягона йўли, бу ҳавза учун алоҳида иситиш мосламаси қуришдир. Бироқ бу билан хоналар иссиқлиги таъминланса-да, ҳавза суви иссиқлиги талаб даражасига кўтарилмайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳавза суви электр энергияси ҳисобига иситилади. У эса ҳар куни маълум вақт ўчиқ бўлади. Бу масалада вилоят касаба уюшмалари томонидан Марғилон шаҳар газ ва электр таъминоти идораларига бир неча марта мурожаатлар қилинди. Шаҳар электр тармоқлари бошқармаси спорт мактабига алоҳида линия тортиб беришга ваъда берган, аммо бунинг учун вақт ва маблағ кераклиги таъкидланганлиги ҳам бор гап. Фарғона шаҳридаги «Дельфин» ёпиқ сув ҳавзасида бундай муаммолар марказий иссиқлик тизимидан келадиган сувни зарур даражада зарарсизлантириш чоралари кўриш ҳисобига ечилади.

Афсуски, Оролбўйи маҳалласи ҳудудида газ босими пастлиги сабабли ўзининг алоҳида қозонхонаси бўлган 32-мактаб бинолари ҳам етарли даражада иссиқлик билан таъминланмаган. Ваҳоланки, мактаб ўзининг газ линияси ва ГРПсига эга. Бироқ йўл-йўлакай газ қувурларига ноқонуний улаб олинаётган «сўрғич» моторчалардан кенг фойдаланилаётгани ҳам муаммо ечимини топишига халал беряпти. Ҳозирги кунда «Ёшлик» спорт мактабига алоҳида иситиш тизими, ГРП туширилганда ҳам уни етарли даражада ва узлуксиз газ билан таъминлаб боришга ҳеч ким кафолат бера олмайди. 2008 йил куз ва қиш ойларида спорт мактабини кондиционерлар билан иситишга уриниб кўрилган. Бироқ каратэ, кураш ва бадиий гимнастика тўгараклари залларини иситиш мумкин бўлган бўлса-да, кондиционерлар қуввати ҳавза залини иситишга етмай қолди.

Излаган имкон топади, дейишади. Муаммони сув ҳавзасида пуллик хизматни жорий этиш ҳисобига ҳал қилиш ҳаракатлари ҳам бошланиб кетган бўлиб, 2008 йил ёз ойларида ушбу хизматлардан тушган маблағ 1 миллион 887 минг сўмни ташкил қилган. Бироқ бу ҳатто коммунал тўловлар учун ҳам етарли эмас. Шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилором Муҳаммедова сув ҳавзасини болалар ва хотин-қизлар синхрон сузиш мактабига айлантириш тарафдори. У шу йўл билан шаҳарда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга катта ҳисса қўшилади, деб ҳисоблайди. Яхши фикр. Лекин сув ҳавзаси синхрон сузиш учун мослаштирилмаган. Спортнинг бу тури билан шуғулланиш учун ҳавза чуқурлиги камида 5 метрни ташкил қилиши ва унинг тубида мусиқа қўйиш учун мослаштирилган акустика жиҳозлари бўлиши керак. «Ёшлик» спорт мактаби ҳавзасининг чуқурлиги эса 2 метр холос.

Спорт мактабининг узлуксиз ишлаб туриши қишлоқ ёшларининг спортга жалб қилинишига ҳам катта ҳисса қўшади. Вилоятдаги энг замонавий сув спорти муассасаси жамоаси айнан шунинг учун Марғилон шаҳар ҳокимлиги, дахлдор ташкилот ва корхоналарнинг амалий ёрдамини кутмоқда.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиб кийинган бир қизга кўзим тушди. Унинг устидаги либосини замонавий услубда десам, бошига ҳижоб ўраб олган, исломий кийинган десам, либоси танасига чиппа ёпишган. Чунонам ҳарирки, ички кийимлари яққол кўриниб турарди. Очиғи, унинг бундай кийинишидан транспортдагиларнинг кўпчилиги ёқа ушлаб қолди. Шунинг учун таҳририятга хат йўлладим. Нега бу зайил кийинишлар авж олаяпти? Кийим кийиш ҳам одоб, ҳам ахлоқни англатади, дейишган. Кийиниш маданияти, миллий либослар ҳақида мутахассисларнинг фикрларини газетада берсангиз.

Шаҳло ҲОШИМОВА,
Тошкент шаҳри

Ҳаё ва иболарнинг кўриниши кийимдир



«Алалхусус, биз дунёвий давлат фуқароларимиз. Кимнинг қандай кийиниши, шубҳасиз, унинг шахсий иши, виждонига ҳавола қилинган масала. Лекин шундай бир инсоний туйғу борки, уни писанд қилмаслик инсонийлик шаънига иснод эмасмикан деган савол ўйлантириб қўяди. Бинобарин, азалдан «ҳаё ва ибонинг ташқи кўриниши кийимдир» деган ҳикматона таъкид халқимиз орасида бежиз машҳур бўлмаган».

Шайх Абдулазиз Мансурнинг бу фикрларини мақоламизга киритишнинг боиси бор. Дарҳақиқат, кишининг қандай кийинишига қараб, кимлигига баҳо бериш мумкин. Инсоннинг қийимида маънавияти яққол сезилиб туради.

Кейинги пайтларда жамоат жойларида қоп-қора ҳижобга ўранган ёки юзкўзини бекитиб рўмол ўраб, аммо танага ёпиштириб кийим кийиб олган, шунингдек, ярим-ялонғоч, аксар ҳолларда устидаги матоҳини либос деб аташга ҳам арзимайдиган даражада кийинганларга кўзимиз тушаяпти. Бу ҳолатни кўриб, кийинишда икки қутб пайдо бўлганми деган хулосага келади киши.

Бизга маълумки, либослар ўша миллатнинг тарихи, қандай иқлимда яшаши, қадриятларига бориб тақалади. Қадимда аёлларимиз очиқ бўлмаган, ўзларига қулай кийимларни кийишган. Паранжи, чачвон кўча-кўйда тутилган бўлса ҳам аёлларимиз уйларида ихчам кийимларда юришган. Ўша давр кийиниш маданиятида ҳам ёрқин рангларга кўпроқ урғу берилган. Қора либослар бизнинг иқлимга мос эмас. Адрас, атлас, шойи, ипак матолардан тикилган кийимлар урф бўлган.

Кийиниш маданияти, миллий либослар борасида **Тошкент Ислом университети ўқитувчиси Ҳамида Тўйчиева** шундай фикр билдирди:

— Ҳар бир минтақанинг, миллатнинг ўзига хос кийиниш урф-одатлари бор. Кийиниш маданияти ҳақида сўз кетганда биз бир нарсани, яъни шарт-шароитни унутмаслигимиз керак. Уй, ўқиш, иш, меҳмондорчилик, тўйларни назарда тутиб либос танлаш — кийиниш маданиятининг бир белгиси. Ҳозир атлас, адрас, беқасамни ишга, ўқишга доимий кийиб бориб бўлмайди. Уларни кийишнинг ўз ўрни бор. Шунингдек, замонавийликдан узилиб, бошдан-оёқ ҳижобга ўралиб олиш ҳам миллатимизга хос эмас. Диний тушунчаларнинг етишмаслиги, билимсизлик туфайли кечагина замонавий кийиниб юрган айрим қизларимиз ҳижобга кириб, жамоат жойларида кулгига қолмоқда. Бунинг боиси, улар ҳижобга киришни мода деб ўйлашганида. Энг ачинарлиси, баъзи оилаларда «ақлли оналар» қизларини турмуш қуриш арафасида ҳижобга киритиб қўйишади. Айримларнинг онгида ҳижобли қизга тезроқ совчи келиши мумкин деган фикр бор-да! Лекин улар эътиқод либосда эмас, аввало, кўнгилда бўлиши кераклигини тушунишмайди.

Ҳамида опанинг фикрларини эшитиб, яқинда кўрганим бир воқеа бехос ёдимга тушди. Кўчада боғча ёшидаги бир қизчани учратиб қолдим. У бошдан-оёқ ҳижобга ўраниб олганидан базўр юрар, онаси эса уни тортқилаб кетиб борарди. Бу қизалоқ ҳали гуноҳ, савоб деган тушунчаларга ҳам эга эмасу, ҳижобга киргизиб қўйилганидан таажжубланасан киши.

Кийинишимизда ҳам ўзбеклигимиз акс этиб турса, байрамларда, тўйларда атласу адраслардан тикилган либосларни кийиб, ял-ял товланиб юрсак, қандай яхши!

Мода олами ва либослар тўғрисида **Стиллар уйи дизайнери Муҳаммад Ҳаёт** қуйидаги фикрларни билдирди:

— Инсоннинг ички дунёси билан ташқи дунёси муайян боғлиқлигини акс эттирган либосда кийиниш маданияти кўзга ташланади. Кийим кийиш, уни танлашда, аввало, инсондан дид, фаросат талаб қилинади. Либос табиий матолардан тикилган, қулай ва кенг маънода фойдали бўлсагина қадри баланд бўлади. Инсон руҳияти билан ташқи дунёсини уйғунлаштирган ҳар қандай кийимни тўғри танланган десак, хато қилмаймиз.

Мода оламида кийим яратишда 5 та асосий омил катта рол ўйнайди. Улардан бири — иқлим ва шу жойнинг шароитидан келиб чиққан ҳолда либослар тикиш. Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, қадимда ота-боболаримиз пахтали кийимлар кийиб юришган. Шунингдек, бўздан тикилган яхтак, чопонлар уларнинг кундалик кийими ҳисобланган. Чунки улар ёзнинг иссиғида ҳам, қишнинг қаҳратонида ҳам одам организмини мўътадил сақлаган. Айниқса, пахтадан қавилган нимча, камзуллар ўша даврга хос қишки кийимлар қаторида бўлган.

Замонавий шароит қадимда ота-боболаримиз кийиб юрган бундай кийимларни тан олмайди. Тезкор даврда қулай, ихчам кийимлар кийиш зарурлигини ҳамма яхши тушунади. Шу ўринда миллийликка тўхталадиган бўлсак, миллий либослар замонга дахлсиздир. Адрас, атлас матолар яратилишининг ўзи бир санъат бўлса, ундан тикилган либослар яна бир санъат. Ҳар бир ижодкор дизайнер либос яратиш олдидан матолар тарихини яхши билиши керак. Бу матолардан юқори даражада либос ярата олмаган ижодкорни кечириб бўлмайди. Ахир, улар бизнинг ўтмишимиздан хабар бериб туради. Модельер тарихни, санъатни ҳурмат қилса, тижоратни ўйлаб миллий матолардан енгил-елпи кўринишдаги кийимлар яратмайди.

Мода оламида йўналишлар кўп. Ҳар бир ижодкор ички дунёсидан келиб чиқиб либос яратади. Кишининг тарбияси, дунёқараши, фаросати қандай бўлса, бу у яратган либосларда акс этади. Енгил-елпи кийиниш услубини танлаганларнинг ҳам диди кийимларига мос бўлади.

Гоҳида ёшларни бачкана кийинишда, кўр-кўрона модага берилишда айблаймиз. Менимча, танқиднинг ўзи етарли эмас. Сохта модага ўчлик, енгил-елпи либосларни танлашдаги хатоларнинг сабаби тарбияга бориб тақалади. Ёшларимизда кийим танлаш, дид-фаросатни оилада шакллантириш керак.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муҳтарама Улуғованинг қуйидаги фикрларини мақоламизга хулоса қилишни лозим топдик:

«Инсонда ҳамма нарса: юз ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, фикр ҳам гўзал бўлиши керак, деганда улуғ адиб ҳақ гапни айтган эди. Агар кишининг қалби ва фикри том маънода гўзал бўлса, унинг кийиниши ҳам ўз-ўзидан гўзал кўринишда бўлади. Биз либос танлашда ўзлигимиздан келиб чиқиб, табиатимизга, касбимизга, яшаш шароитимизга мос йўл тутсак, хато қилмаган бўламиз. Биз ўзбекмиз, араб давлатларида яшовчилар ўрайдиган қоп-қора ҳижоблар миллатимизга мос келмаслиги кундек равшан. Чунки ҳар бир давлатнинг ўзига хос табиати, иқлими, урф-одатлари бор. Шу ўринда бир нарсани, яъни эътиқод либосда эмас, қалбда бўлишини унутмаслигимиз керак. Кўнгил поклиги ҳар биримизнинг қилаётган амалларимизда, савоб ишларимизда кўпроқ акс этгани маъқул. Агар адрасу атлас, чопон, дўппиларимизни кийиб жаҳон подиумларига чиқсак, хорижликлар бундай ранг-баранг либослардан кўз узолмай қолиши айни ҳақиқат».

Чунки бу либосларда шарм-ҳаё, андиша, орият ўз ифодасини топган.



Орзугул РУСТАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Сўраган эдингиз...

Касб-ҳунар коллежи томонидан берилган диплом қандай ҳуқуқларни беради?

Қувонбой ХУДОЙҚУЛОВ, Сурхондарё вилояти



Маълумки, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади, унда:

академик лицейлар учун — фанлар бўйича ўқитилган соҳа;

касб-ҳунар коллежлари учун — Классификаторга мувофиқ мутахассислик (мутахассисликлар) бўйича берилган малака кўрсатилади.

Дипломларга ўзлаштирилган умумтаълим ва махсус (касб-ҳунар) фанлар (курслар), соатлар ҳажми ва улар бўйича баҳолар (рейтинглар), шунингдек, битирувчининг умумий рейтинги ва якуний давлат аттестациясининг натижалари кўрсатилган қўшимча варақ илова қилинади.

Академик лицейни тугатганлик тўғрисидаги диплом олий таълим муассасасига ўқишга кириш ҳамда олинган билимларни меҳнат фаолиятида рўёбга чиқариш ҳуқуқини беради.

Касб-ҳунар коллежини тугатганлик тўғрисидаги диплом олинган мутахассисликка мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳамда олий таълим муассасасига ўқишга кириш ҳуқуқини беради.

Олий ўқув юртида давлат гранти асосида таҳсил олдим. Ўқишни битиргач, ҳарбий хизматга бормоқчиман. Аскарликдаги даврим ҳам уч йиллик мажбурий ишлаб бериш муддатига киритиладими?

Абдуфаттоҳ ҚОБУЛОВ, Сирдарё вилояти



Ҳа. «Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги низомга биноан битирувчи мажбурий ишлаб бериши лозим бўлган уч йиллик муддатга қуйидаги муддатлар ҳам киради:

таълим муассасаси, корхона ёки ташкилотда турли лавозимларда ишлаган муддат;

таълим муассасаси, корхонаси ёки ташкилот мансуб бўлган тизимдаги (вазирлик, идора ёки бошқа хўжалик бошқаруви органи) бошқа таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда иш берувчининг розилигига кўра ишлаган муддат;

меҳнат таътилида, жумладан, ижтимоий таътилда бўлган муддат;

муддатли ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат ўталган муддат.

Жиноят қонунчилигида меҳнат ҳуқуқи ва муҳофазаси билан боғлиқ қандай жиноятлар учун жавобгарлик кўзда тутилган?

Баҳриддин РАҲИМБЕРДИЕВ, Қашқадарё вилояти

Жиноят кодексининг 148-моддасида меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш учун жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, била туриб, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Аёлнинг ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганини била туриб ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Мазкур кодекснинг 257-моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун, яъни хавфсизлик техникаси, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларининг шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:


а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай қилмишлар одамларнинг ўлимига сабаб бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Пенсияга чиқишимда ногирон фарзандимни парвариш қилган вақтим меҳнат стажига қўшиладими?

Фотима ЖЎРАЕВА, Зарбдор тумани

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ I-гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт қўшилади.



Тўланган бўлса-да, маъмурият коммунал хизмат учун деган баҳонада иш ҳақидан ушлаб қолиши мумкинми? Ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар қайси муддатларда берилади?

Рустам ОБДОЛЁЗОВ, Хоразм вилояти



Меҳнат кодексининг 164-моддасида ходимнинг розилигисиз меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш ҳоллари кўрсатилган. Бошқа ҳолларда мумкин эмас. Жумладан, сиз таъкидлаган ҳолда ҳам.

Ўтган ойнинг пенсияси алоҳида ведомост билан ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бир вақтда тўланади.

Газетанинг 34-сони (2009 йил 19 март)да пенсияга чиқиш учун тегишли ҳужжатлар йўқолган тақдирда меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида маълумот берилган эди. Мазкур жавобда меҳнат стажини тасдиқлашга гувоҳларнинг кўрсатмаси ҳам асос бўлиши айтилган. Бу ҳақда кенгроқ тўхталсангиз.

Камолиддин ОЛИМБЕКОВ, Тошкент шаҳри



Дарҳақиқат, меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда иш даври гувоҳларнинг кўрсатмаси асосида тасдиқланиши айтилган эди. Бу ҳолат «Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги низом билан тартибга солинган.

Кенгроқ тўхталадиган бўлсак, мавжуд иш стажи тўғрисида маълумотлар бўлмаган ва ҳарбий ҳаракатлар, табиий офат, ҳалокат, фалокат ва бошқа фавқулодда вазиятлар муносабати билан уларни олиш имконияти бўлмаса, меҳнат стажи, жумладан, имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажи ариза берувчи билан бир корхона, муассаса, ташкилот ёки бир тизимда бирга ишлаган ва уни билган камида икки гувоҳнинг кўрсатмаси асосида белгиланади.

Архив маълумотлари йўқлиги сабабларидан қатъи назар, мавжуд иш стажи тўғрисидаги ҳужжатларни олиш имконияти бўлмаган ҳолларда 1965 йилгача жамоа хўжалигида ишлаш даври юқоридаги тартибда гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланади.

Умумий меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишнинг характери гувоҳларнинг кўрсатмалари билан белгиланмайди.

Мавжуд иш стажи тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган ва корхона, муассаса, ташкилот тўлиқ тугатилганлиги туфайли ёхуд архив маълумотларининг юқоридаги бандда назарда тутилгандан бошқа сабабларга кўра, мавжуд эмаслиги сабабли уларни олиш имконияти йўқ бўлган ҳолларда меҳнат стажи ариза берувчини бир корхона, муассаса, ташкилот, жамоа хўжалигида, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да, фермер хўжалигида ёки бир тизимда бирга ишлаш давомида билган ҳамда улар ариза берувчининг ишини тасдиқлаган давр учун ўз ишлари тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлган камида икки гувоҳнинг кўрсатмаси асосида белгиланади.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари бўйича белгиланган меҳнат стажи бундай ҳолларда пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган стажнинг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Деҳқон (фермер) хўжаликларида ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда 1998 йил 1 июлгача, шунингдек, деҳқон хўжаликларида алоҳида, фуқароларда ва диний ташкилотларда ишлаш даври, шунингдек, меҳнат фаолиятининг Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда стажга қўшиладиган бошқа даврлари гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланмайди.

Ishonch TV ДАСТУРИ

20-26 Апрел

Душанба

«O'zbekiston»

«O'zbekiston» телерадиоканали». Профилактика муносабати билан душанба, 20 апрель. куни «O'zbekiston» телерадиоканали» ўз кўрсатувларини соат. 14.55дан бошлайди.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.40 ТВ - анонс.
15.45 «Ватанпарвар».
16.25 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Обод манзиллар».
16.50 «Очун».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Стандарт ва сифат».
«Болалар сайёраси»:
17.30 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.50 ТВ - анонс.
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қўриқхона манзаралари».
18.55 «Бир кун».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.00 ТВ - анонс.
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 Эркин мавзу.
21.50 «Довюрак самурай». Т/с.
22.30 «Иқлим».
22.35 ТВ - анонс.
22.40 «Анна ва қирол». Б/ф. 1-қисм.
23.50 «Олам ва одам» дастури: «Сазиле тошбақалари».
00.15 – 00.20 Тунги наволар.

«Yoshlar»

«Yoshlar» телерадиоканали. Қадрли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан, 20 апрель куни «Yoshlar» телеканали ўзининг кўрсатувлар дастурини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 «Yoshlar» саломи».
15.00 «Камолот».
15.10 «Ўзбек адабиёти».
15.15 «Ранглар рақси».
15.55 «Ардоқ».
16.00 «Давр».
16.10 «Илҳом қанотлари».
16.30 «Ўтмиш хиёбони».
16.55 «Кувноқ оҳанглар».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.30 «Адабиёт дарси».
18.35 «Қишлоқдаги тенгдошим».
18.50 «UzEX».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.00 «Давр».
19.30 «Баҳор таровати». Т/с.
20.20 «Бугундан эсдалик».
20.40 «Навбатчи».
20.50 «Мўъжизавий дунё».
21.10 «Қасамёд». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Ўзбек адабиёти».
22.35 «Автопатруль».
22.55 «Миллий мерос».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчлиги».

«Toshkent»

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм: «Олтин шаҳар излаб». 8-қисм.
18.05 «Телекурьер - маркет».
18.20 «Тошкент - 2200».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Анонс».
18.55 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
19.20 Бизнес- «Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.45 «Анонс».
19.50 «Интервью» /рус/.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
20.20 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан: «Тошкент ва тошкентликлар».
Бевосита мулоқот.
21.05 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер - маркет».
22.15 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури
22.50 Кино SMS со звездами.
22.55-00.35 Кино: «Пришельцы».

«Sport»

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, 20 апрель куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
***
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 «Диёримиз табиати». Ҳужжатли фильм.
19.10 «АЗИЯ ЛОТО».
19.55 Кураш. Ат-Термизий халқаро турнири.
21.00 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.50 Интерфутбол.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

TV - markaz

07.00-15.00 ПРОФИЛАКТИКА
15.00 Сериал «Жассига ухшаши йук»
15.30 Мультфильм
17.00 Узбек наволари
17.30 «Кинокурьер»
18.00 Узбек наволари
18.30 Сериал «ЖАССИГА УХШАШИ ЙУК»
19.00 Узбек наволари
21.30 Сериал «ГЕРОИ»
22.20 Комедия по понедельникам: «ЧЕГО ХОЧЕТ ДЕВУШКА» худ.фильм
00.10 Миксер

Первый

Уважаемые телезрители! Приносим извинения за перерыв в вещании с 04.00 до 06.00 в связи с профилактическими работами
Понедельник, 20 апреля
06.00, 08.15 Телеканал «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.30 «Малахов +»
09.30 «Модный приговор»
10.25 «Контрольная закупка»
11.25 Сериал «Агент национальной безопасности»
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Понять. Простить»
14.15 «Хочу знать»
14.50 «Давай поженимся!»
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.20 Сериал «След»
18.05 «Жди меня»
18.55 Сериал «Богатая и любимая»
20.00 «Время»
20.30 Сериал «Шальной ангел»
21.35 «Дикие дети»
22.35 «Познер»
23.35 Ночные новости
23.55 «Гении и злодеи»
00.30, 02.05 Худ. фильм «Библия»

Россия

Профилактика.
10.50 М/ф «Верните Рекса».
11.05 Х/ф «Криминальный талант».
13.00 «Вести».
13.20 «Местное время. Вести - Москва».
13.40 Х/ф «Криминальный талант».
15.00 «Кулагин и партнеры».
16.00 «Вести».
16.25 «Местное время. Вести - Московская область».
16.50 «Вести. Дежурная часть».
17.00 Т/с «Однажды будет любовь».
18.00 Т/с «Кармелита. Цыганская страсть».
19.00 «Вести».
19.30 «Местное время. Вести».
19.50 «Спокойной ночи, малыши!»
20.00 Т/с «Тайны следствия».
21.50 «Городок».
22.50 «Вести +».
23.10 Х/ф «Выше холма». (Австралия).
01.05 Х/ф «Три короля». (США).
02.55 «Комната смеха».
03.40 Т/с «Ха».
03.45 «Вести. Дежурная часть».

НТВ

05.00 «Сегодня утром».
08.00 «Квартирный вопрос».
09.00 «Сегодня».
09.25 «Чистосердечное признание».
10.00 «Следствие вели...»
11.00 «Суд присяжных».
12.00 «Сегодня».
12.35 Т/с «Возвращение Мухтара».
14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
15.00 «Сегодня».
15.30 Т/с «Час Волкова».
17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
18.00 «Сегодня».
18.40 Т/с «Литейный».
20.40 «Честный понедельник».
21.40 «Ты не поверишь!»
22.00 «Сегодня».
22.25 Т/с «Формула стихии».
23.20 «Школа злословия». Ю. Гусман.
00.15 «Quattroruote».
00.45 Х/ф «Импульс». (США).
02.55 Комедия «Грязный стыд». (США).
04.15 Т/с «Все включено».

ТВ3

07.00 М/ф.
08.00 М/с «Жизнь с Луи».
08.30 М/с «Чуды-юды в лавке».
09.00 М/с «Шаман Кинг».
09.30 М/ф.
10.00 Т/с «Человек-невидимка», 20 с.
11.00 Д/ф «Городские легенды. Краснодар. Проклятие древних захоронений».
12.00 Т/с «Приключения Индианы Джонса», 11 и 12 с.
16.00 Д/ф «Разрушители мифов».
16.50 «Упс!»
17.15 Т/с «Пси-фактор», 1 с.
18.10 Т/с «Вавилон 5», 54 с. (США).
19.05 Т/с «Человек-невидимка», 21 с.
20.00 Т/с «Моя любимая ведьма», 21 и 22 с.
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Последний полет изменника Родины».
22.00 Д/ф «Затерянные миры».
23.00 Х/ф «Восставший из ада». (Великобритания).
01.00 Т/с «Звездные врата», 55 с. (США - Канада).
02.00 Т/с «Пси-фактор», 1 с.
03.00 Д/ф «Разрушители мифов».
04.00 Х/ф «Смертник». (Япония).
06.45 Relaks.

ДТV

07.00,03.00 «Клуб детективов».
07.55 Музыка.
08.00 «Тысяча мелочей».
08.30,08.40,08.55,09.10 М/ф.
09.30,13.30,01.00 «Состав преступлений».
10.00,15.00,22.00 «Вне закона».
10.30,17.00 Т/с «Морская полиция: Спецотдел».
11.30 Х/ф «Китайский сервиз».
14.00,18.00 «Судебные страсти».
15.30,19.00,22.30 Т/с «Безмолвный свидетель 3».
16.00,00.00 Т/с «Закон и порядок. Специальный корпус 6».
19.30,23.00 Т/с «Слепой».
20.30 «Смешнее, чем кролики».
21.00,21.30 Реалити «Брачное чтиво».
01.30 «Карданный вал».
03.00 Х/ф «Полет живых мертвецов». (США).
05.00 Комната страха.
06.00 Relaks.

ДТV

07.00,04.00 «Клуб детективов».
07.55 Музыка.
08.00 Д/ф «Как уходили кумиры. Леонид Марков».
09.00 «Тысяча мелочей».
09.20 «Предприниматель».
09.30,09.40,09.55,10.15,10.30, 10.45,11.00,11.15,11.30,11.45,12.00, 12.10 М/ф.
12.30 Х/ф «Тело».
14.30 Д/ф «Как уходили кумиры. Вадим Спиридонов».
15.30 Х/ф «Джинко: Легенда о воинах».
18.30 «Судебные страсти».
19.30,23.00,23.30,03.30 «Смешнее, чем кролики».
20.00,20.30,01.00 Реалити «Брачное чтиво».
21.00 Х/ф «Приказано взять живым».
00.00 Т/с «CSI: Место преступления Майами 6».
01.30 Х/ф «Амстердамский кошмар».
06.00 «Каламбур».

СТС

07.00 Х/ф «Роман Мерфи».
09.00 М/ф: «Бабушка удава», «А вдруг получится?»
09.20 М/с «Смешарики».
09.30 М/с «Инь, Янь, Йо!»
10.00 «Детские шалости».
11.45 М/с «Том и Джерри».
12.00 Х/ф «Новые Робинзоны».
14.00 М/с «Утиные истории».
15.00 М/с «Король Лев. Тимон и Пумба».
16.00 М/с «Аладдин».
17.00 Т/с «6 кадров».
17.30 Т/с «6 кадров».
18.15 Х/ф «Заколдованная Элла». (США - Ирландия - Великобритания).
20.00 Т/с «Папины дочки».
22.00 Х/ф «Майор Пейн». (США).
23.50 Т/с «6 кадров».
00.50 Т/с «Даешь молодежь!»
01.00 Х/ф «Гордость и предубеждение». (Великобритания - Франция).
03.40 Х/ф «Акулы 2». (США - ЮАР).
05.30 Т/с «Джинн дома», 1 и 2 с.
06.15 Музыка.

Домашний

05.30 М/с «Приключения карманных дракончиков».
06.00 Домашние сказки.
06.30 М/с «Любопытный Джордж».
07.00 М/с «Приключения карманных дракончиков».
07.30 Домашняя энциклопедия.
08.00 Живые истории.
09.00 Декоративные страсти.
09.30 Спросите повара.
10.00 Дачные истории.
10.30 Мать и дочь.
11.00 Мелодрама «Крестный отец». (Индия).
14.30 Мелодрама «Возвращение в здем». (Австралия).
17.15 Вкусы мира.
17.30 Т/с «Она написала убийство». «Смерть накануне успеха». (США).
18.30 Т/с «Мой личный враг».
19.30 Т/с «Кто в доме хозяин?»
20.00 Т/с «Коломбо». «Настоящий друг». (США).
22.00 Т/с «Моя жена меня приворожила». (США).
22.30 Комедия «Только после вас...» (Франция).
00.40 Живые истории.
01.40 Т/с «Шарп». «Клинок Шарпа». (Великобритания).
03.30 Т/с «Мой личный враг».
04.25 Музыка.

Якшанба

«O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 Миллий кино: «Ойижон». 2-қисм.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00 «Ахборот».
8.30 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.35 «Финли ва унинг дўстлари». М/ф.
9.15 «Оҳанрабо».
9.55 ТВ - анонс.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.30 ТВ - анонс.
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Ҳамон ёдимда...»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 «КиноТеатр».
13.30 ТВ - анонс.
13.35 «Денгизлар ҳукмдори». Б/ф.
15.45 «Заковат».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Кўрсичқоннинг саргузаштлари». М/ф.
18.15 ТВ - анонс.
18.20 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
19.30 «Таҳлилнома». /рус/.
20.00, 20.55 Эълонлар.
20.05 ТВ - анонс.
20.10 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
20.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ - анонс.
21.50 «Азизим».
22.20 «Букри». Б/ф. Премьера.
24.00 - 00.10 Тунги наволар.

«Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Якшанба нонуштаси».
7.20 «Табассум қил!»
7.30 «Унутилмас оҳанглар».
8.00 «Олтин тупроқ».
8.10 «Баҳор таровати». Т/с.
8.55 «Ўзбек адабиёти».
9.00 «Рўзғор мактаби».
9.30 «Тошкент таронаси».
9.40 «Соғлик – бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 Миллий сериал: «Қонли олишув». 2-қисм.
11.25 «Қалпоқ». Ҳажвия.
11.50 «Маслаҳат». Ҳажвия.
12.10 «Қасамёд». Т/с.
12.55 «Темурхон наслига».
12.50 «Миллий мультфильм».
13.00 «Болалар давраси».
13.30 «Эртаклар оламида».
14.45 «Ўзбек адабиёти».
14.50 «Қадрдон қўшиқлар».
15.00 «Эверест».
15.30 «Камолот».
15.40 «Бугундан эсдалик».
16.00 «Жумонг». Т/с.
17.10 «Илҳом қанотлари».
17.30 «Аршин молалан». Б/ф.
18.50 «Ўзбек адабиёти».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Тараннум».
20.10 «Ранглар рақси».
20.50 «Табассум қил!»
21.00 «Ёшлар парвози».
21.30 Ҳинд киноси: «Намастэ, Лондон!»
23.30 «Юрт тинчлиги».

«Toshkent»

7.20 Кўрсатувлар тартиби.
7.25 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар, информацион-мусиқий дастур.
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
9.00 «Телекурьер - маркет».
9.15 «Анонс».
9.20 «Ягонамсан, Тошкентим!»
9.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
9.40 «Афиша».
9.50 «Интервью».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.20 «Анонс».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт» ахборот дастури. /рус/.
10.40 «Истеъдод».
10.45 «Мусиқа SMS».
10.55 «Анонс».
11.00 «Ёшлар майдони».
11.30 «Қадрдон қўшиқлар».
11.40 «Ҳандалак». Ҳажвий кўрсатув.
11.55 «Ўзбек адабиёти».
12.00 «Ахборот».
12.15 «Рўё». Б/ф.
13.55 «Ўйларим».
14.00 «Давр».
14.10 «Ардоқ».
14.20 «Ўзбегим матолари».
14.40 «Тараннум».
15.00 «Ёшлар майдони».
15.30 «Ўтмиш хиёбони».
15.55 «Юртим юраги».
16.00 «Давр».
16.10 «Чемпион».
16.30 «Ўзбек адабиёти».
16.35 «Ёшлар майдони».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.45 «Навбатчи».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.00 «Давр».
19.30 «Баҳор таровати». Т/с.
20.20 «Кўзгу». Ҳажвия.
20.45 «Ўзбек адабиёти».
20.50 «Мўъжизавий дунё».
21.10 «Қасамёд». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 Жаҳон киноси: «Сен гапирма!»
23.50 «Юрт тинчлиги».

TV - markaz

07.00 Узбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.00 Узбек наволари
11.30 «Шакал» худ. фильм
13.40 Узбек наволари
15.00 Сериал «Жассига ухшаши йук»
17.00 Узбек наволари
17.30 «M-Files»
18.00 Узбек наволари
19.30 «Звездопад»
20.10 Узбек наволари
20.30 «Кинокурьер»
21.00 Узбек наволари
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «ТЕМНЫЙ РЫЦАРЬ» худ.-фильм
00.30 Миксер

Первый

05.00, 09.00, 11.00 Новости
05.10 «Гении и злодеи»
05.40 Худ. фильм «Детский мир»
07.00 «Смак»
07.40 «Армейский магазин»
08.10 «Умницы и умники»
09.25 «Непутевые заметки»
09.40 «Пока все дома»
10.25 «Фазенда»
11.10 «Владислав Дворжецкий. Неприкаянный»
12.15 Воскресный «Ералаш»
12.40 Сериал «Две судьбы. Новая жизнь»
18.00, 21.00 «Две звезды»
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
22.00 «Что? Где? Когда?»
23.20 Худ. фильм «Нецелованная»
01.05 Худ. фильм «Че!»
02.45 Сериал «Внезапная удача»

Россия

04.20 Х/ф «Меня это не касается».
06.00 «Сам себе режиссер».
06.50 «Смехопанорама».
07.20 «Утренняя почта».
07.55 Х/ф «Бэтмен возвращается».
10.00 «Вести».
10.10 «Местное время. Вести - Москва». Неделя в городе.
10.50 «Городок».
11.20 «Сто к одному».
12.15 «Парламентский час».
13.00 «Вести».
13.20 «Местное время. Вести - Москва».
13.30 «Вести. Дежурная часть».
14.00 «Честный детектив».
14.30 «Смеяться разрешается».
16.05 «Танцы со Звездами». Сезон 2009. Прямая трансляция.
19.00 «Вести недели».
20.05 «Танцы со Звездами». Результаты голосования. Прямая трансляция.
20.15 «Специальный корреспондент».
20.45 Х/ф «Течет река Волга».
22.40 Х/ф «Запретное царство».
00.40 Х/ф «Глаза ангела».
02.35 «Комната смеха».
03.20 Т/с «Ха».
03.40 Дневник ЧМ по хоккею.

НТВ

04.25 Боевик «Аварийная посадка». (США).
05.45 М/с «Приключения Гулливера». (США).
06.30 «Дикий мир».
07.00 «Сегодня».
07.20 «Русское лото».
07.45 «Их нравы».
08.25 «Едим дома».
09.00 «Сегодня».
09.25 «Спасатели».
09.55 «Quattroruote».
10.30 «Авиаторы».
11.00 «Дачный ответ».
12.00 «Сегодня».
12.20 Детектив «Тайна «Черных дроздов».
14.05 «Своя игра».
15.00 «Сегодня».
15.25 «Борьба за собственность».
16.00 Т/с «Закон и порядок».
18.00 «Сегодня». Итоги.
18.50 «Чистосердечное признание».
19.20 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
20.00 «Главный герой».
21.00 «Русские не сдаются!»
21.25 Боевик «Отмщение». (США).
23.15 «Футбольная ночь».
23.50 Х/ф «Глория». (США).
02.10 Т/с «Закон и порядок».
03.50 Т/с «Все включено».
04.35 «Профессия - репортер».

ТВ3

07.00 М/ф.
08.00 М/с «Жизнь с Луи».
08.30 М/с «Чуды-юды в лавке».
09.00 М/с «Шаман Кинг».
10.15 Х/ф «Семь стариков и одна девушка».
12.00 Т/с «Приключения Индианы Джонса», 13 с.
14.00 Т/с «Звездные войны. Войны клонов», 21 и 22 с.
15.00 Х/ф «Посвящение Сары».
17.00 Сигнал бедствия.
18.00 Х/ф «Торнадо». (США).
20.00 Д/ф «Городские легенды. Нетеатральные трагедии Театральной площади».
21.00 Х/ф «Я все еще знаю, что вы сделали прошлым летом».
23.00 Х/ф «Непобедимый 2».
01.00 Х/ф «Внутренний страх 2».
03.00 Х/ф «Я все еще знаю, что вы сделали прошлым летом».
05.10 Комната страха.
06.00 Relaks.

ДТV

07.00,04.00 «Клуб детективов».
07.55 Музыка.
08.00 Д/ф «Как уходили кумиры. Вадим Спиридонов».
09.00 «Тысяча мелочей».
09.30-12.10 М/ф.
12.40 Х/ф «72 градуса ниже нуля».
14.30 Д/ф «Как уходили кумиры. Маргарита Криницына».
15.30,01.30 Х/ф «Шулера».
18.00,19.30,23.00,23.30 «Смешнее, чем кролики».
18.30 «Судебные страсти».
20.00,20.30,01.00 Реалити «Брачное чтиво».
21.00 Х/ф «Выкуп».
00.00 Т/с «CSI: Место преступления Майами 6».
06.00 «Каламбур».

СТС

07.00 Х/ф «Хороший сосед Сэм».
09.20 М/с «Смешарики».
09.30 М/с «Инь, Янь, Йо!»
10.00 М/с «Том и Джерри».
10.15 «Самый умный».
12.00 «Галилео».
13.00 «Снимите это немедленно!»
14.00 Т/с «Дом кувырком».
15.30 М/с «Том и Джерри».
16.00 М/с «Чип и Дейл спешат на помощь».
17.00 Т/с «6 кадров».
17.30 Т/с «6 кадров».
18.30 Т/с «Папины дочки».
21.00 Т/с «6 кадров».
22.00 Анимац. фильм «Сезон охоты». (США).
23.30 Т/с «6 кадров».
00.30 «Хорошие шутки».
02.30 Х/ф «Детские игры».
04.10 Х/ф «Соперница».
05.55 Т/с «Джинн дома».
06.20 Музыка.

Домашний

05.30 М/с «Приключения карманных дракончиков».
06.00 Домашние сказки.
06.30 М/ф «Гадкий утенок».
06.55 Комедия «Только после вас...» (Франция).
09.00 «Воскресный завтрак».
10.00 «Городское путешествие».
11.00 «Жизнь прекрасна».
12.00 «Модный журнал».
13.00 Женская форма.
13.30 Т/с «Дальнобойщики 2». «Дураков дорога учит», «Джингл белл».
15.30 Т/с «Пуаро Агаты Кристи». «Кот среди голубей».
17.30 Т/с «Она написала убийство». «Пульсация убийства».
18.30 Т/с «Мой личный враг».
19.30 Т/с «Кто в доме хозяин?»
20.00 Т/с «Коломбо». «Наперегонки со смертью». (США).
22.00 Т/с «Моя жена меня приворожила». (США).
22.30 Киноповесть «Директор».
01.30 «Городское путешествие».
02.25 Т/с «Шарп». «Полк Шарпа». (Великобритания).
04.05 Т/с «Мой личный враг».



Тўғри ташхис – ярим шифо

Қорақалпоғистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда асосий эътибор амбулатория-поликлиника шароитида тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар тизимини ривожлантиришга, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилди.

Республикамизда соҳани такомиллаштириш, ихтисослаштирилган диагностика ва даволаш марказларини очиш, фуқароларни юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, она ва болаларни муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилаётир.

1-шифохона республика кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантирилди. Унинг базасида диагностика маркази ташкил қилинди. Тиббий-диагностика ускуналарининг самарали ишлаши учун юқори малакали ходимлар билан таъминланди. Натижада, касалликларни эрта аниқлаш имконияти яратилди. Бу эса беморларнинг тез оёққа туриб, меҳнат қобилиятининг тикланишига, ногиронликнинг олдини олишга хизмат қилаётир. Марказда 7 та юқори тоифали шифокор фаолият кўрсатиб, ҳар куни 350-400 кишини текширувдан ўтказиб, тавсиялар бермоқда. Тез кунларда марказга компютер томография ускунаси ўрнатилиши мўлжалланаяпти.

Ислоҳотларнинг яна бир самараси Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиали, барча туман ва шаҳарларда шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ташкил қилинганлиги бўлди.


Ислом тараққиёт банки кредити ҳисобидан 840 миллион сўмлик рентген, УЗИ, кардиомонитор, бронхоскоп, колоноскоп, эколоскоп, наркоз аппарати келтирилиб, ҳозирги кунда улардан самарали фойдаланилмоқда. Марказ филиали қошидаги авиация бўлими ва тез ёрдам станцияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳисобидан 7 та «Дамас» маркали санитар машиналари билан таъминланган бўлиб, бу тиббий хизмат сифатининг яхшиланишига олиб келди.

Мустақиллик йилларида тиббий хизмат кўрсатишнинг содда ва иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган янги тизими шакллантирилди. Натижада, талабга жавоб бермайдиган тиббий ёрдам кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари тугатилиб, улар ўрнида замонавий врачлик пунктлари ташкил қилинди. Ҳозир Қорақалпоғистонда 179 та шундай пункт фаолият кўрсатиб, уларнинг 64 таси янгидан қурилди. Қишлоқ врачлик пунктларининг 108 таси «Саломатлик-1» ва 56 таси «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида яна 15 та пункт жиҳозланиши режалаштирилган.

Тиббиётдаги бундай янгиланишлар соҳада хизмат қилаётган 3600 га яқин шифокор ва 15 мингдан ортиқ ўрта тиббиёт ходими зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Энди уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жаҳон банкининг «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳаси билан ҳамкорликда Тошкент тиббиёт-педиатрия институти Нукус филиали қошида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув маркази ташкил қилиниб, 2003 — 2008-йилларда 192 та шифокор 10 ойлик курсда малака оширди.

Кўплаб шифокорларимиз Япония, Туркия, Эстония, Буюкбритания, Жанубий Корея, Полша, Россия ва Украинада билимини ошириб қайтди.

Бахт АБДИМАНОВ,
Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш вазирининг 1-ўринбосари



Шифокорлар оиласи

Шифокор Мирғолиб Маҳмудовнинг тиббий кўригидан ўтган беморлар кўпинча касалликларини ҳам унутиб қўйишади. Чунки ширин сўз — ярим даво деб бекорга айтишмаган.

Дарҳақиқат, Мирғолибнинг юзидаги нури, ширин сўзи, ҳар қандай инсоннинг қалбига кира олиши ва чуқур билими кишида ҳавас уйғотади. Бу хислатлар унга ота-онасидан ўтган. Отаси Ғайрат ака инженер, онаси Марҳамат опа шифокор. Узоқ йиллардан бери эл хизматида.

Мирғолиб мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, Тошкент тиббиёт академиясига (аввалги тиббиёт институти) ўқишга кирди. 2001 йили таҳсилни муваффақиятли тугатиб, меҳнат фаолиятини бошлаб юборди. Дастлаб шаҳар тез тиббий ёрдам станциясида врач, кейинроқ Тошкент тиббиёт академиясининг фармакология кафедрасида ассистент лавозимида ишлади. Ҳозир мазкур академиянинг 1-клиник касалхонаси тезкор терапия бўлимида шифокор бўлиб ишлаяпти.

— Касбим билан фахрланаман, — дейди Мирғолиб. — Менимча, инсон саломатлигини асрашга хизмат қилиш энг катта бахт бўлса керак.


Онаси унинг биринчи устози, маслаҳатчисидир. У киши доимо ўғлига врачларга хос босиқликни, катта-кичикка ҳурматни, ўз устида тинмай ишлашни ўргатиб келади.

— Тиббиётда ҳар куни бир янгилик ва кашфиёт бўлиб туради. Булардан хабардор бўлиб, соҳамизга тааллуқли янгиликларни фаолиятимизга татбиқ этишга ҳаракат қиламиз, — дейди Мирғолиб.

Унинг аёли Дилбархон ҳам шифокор. Маҳмудовлар хонадони пойтахтимизнинг зиёли ва ибратли оилалари сирасига киради. Ана шундай оилалар қанча кўп бўлса, юртимиз аҳли шунча соғлом ва фаровон яшайди.

Дилрабо ОБИДОВА

Билиб қўйган яхши



УКРОПНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Юртимизда укроп ўсмаган хонадон бўлмаса керак. Укроп солинган қуюқ-суюқ таомлар, салатлар шифобахшлиги билан ажралиб туради. Биолог олим Ғайбулла Шерматовнинг таҳлилига кўра, укроп таркибида инсон учун зарур С, шунингдек, B_1, B_2 витамини, айниқса, томирларни мустаҳкамловчи, юракка мадор берувчи РР, коротин, терпен, ёкимли эфир мойлари бўлиб, уларнинг бари касалликларни даволаш хусусиятига эга.

Укропдан тайёрланган дамламалар овқатни хазм қилиб, қоқақ фаолиятини яхшилайди. Бундан ташқари, кучли сийдик ҳайдайди, қон босимини туширади, ични юргизади (айниқса, чақалоқларда), эмизикли оналарнинг сутини кўпайтиради. Укроп уруғидан майдалаб 20-25 дақиқа қайнатиб, совуғач, докада сузиб, овқатдан 2 соат олдин 3 маҳал бир ош қошиқдан ичилса, ўпкадаги балғамни кўчиради.

Ҳозирги замон тиббиётида укроп қорин бўшлиғидаги оғриқларни қолдиришда, синган суяк тўқималарини ўстиришда, стенокардия, гипертония, қон босимини туширишда, нефрит, томирларни кенгайтиришда қўлланади.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ

Эрмон — дардга дармон

Эрмон — кўп йиллик, бўйи 50-100 см.гача етадиган ўсимлик, пояси тик ўсувчи, юқори қисми эса шохланган бўлади. Илдиз барглари узун бандли, юмалоқ, юқоридагилари эса уч бўлакли бўлиб, пояда банди билан кетма-кет ўрнашган. Поя ва барглари сертуклиги боис кумуш рангда кўринади. Гуллари майда сариқ саватчага тўпланган. Меваси — чўзинчоқ писта бўлмиш эрмон йўл, анҳор ёқалари ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади.

Таркибида қаҳрабо, олма кислотаси, эфир мойи, каротин, лактонлар, обсинтин гликозиди, флавон артемизетин, анабсинтин, қатрон мавжуд.

Бу ўсимлик қадим замонлардан буён халқ табобатида ишлатиб келинади. Қайнатилганда чиқаётган буғи қулоқ оғриғига даво, иштаҳани эса очади. Уни меъда, жигар ва белга қўйиб боғланса, оғриқни қолдиради. Суви қўшилган сиёҳ билан ёзилган китобга сичқон тегмайди. Буюк аллома Абу Али ибн Сино ўзининг шоҳ асарида эрмон борасида шундай ёзган:

«...Эрмон рангни яхшилайди. «Тулки касаллиги»га фойда қилади. Кўз ости ва бошқа ерларда бўладиган гунафша рангли изларни йўқотади. Сув билан хамир қилиниб, эшак емига суркалса, фойдаси бор.



Табиат — саломатлик маскани

Эрмон, айниқса, гуруч билан қайнатиб ейилса, гижжаларни ўлдиради...»

Халқ табобатида бу ўсимлик гуллари қайнатмаси безгак, бавосил (геморрой), ичак ярасида қўлланилади. Шунингдек, иситма туширувчи, пешоб ва тер ҳайдовчи сифатида яхши наф келтиради. Эрмон ва зарпечак қайнатмаси тутқаноқ ҳамда анемия (камқонлик)ни даволашда фойдалидир.

Эрмон жиғилдон қайнаши, оғиздаги нохуш ҳидни йўқотишда асқотади. Юмалоқ гижжаларни туширишда ўсимлик дамламасидан ҳуқна қилинади.

Ҳозирги вақтда ўсимликдан спиртли эритма экстракти тайёрланади. Бу малҳамлар иштаҳани очиб, таом ҳазмини яхшилайди.

Эрмон ўтидан 2 чой қошиқ олиниб, устига 200 мл. қайноқ сув қўшиб, 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнг дока орқали сузиб, циститни даволашда кунига 3 маҳал 100 мл.дан таом олдидан ичилади.

Оғриқли ҳайзда 1 ош қошиқ эрмон ўтига 200 мл. қайноқ сув қўшилади ва 30 дақиқа сув ҳаммомига қўйилади. 15 дақиқа дамлаб, сўнг кунига 2 маҳал 100 мл.дан ичилади.

Эрмон қайнатмаси битиши қийин яра-жароҳатларга 2 маҳал суртиб боғланса тузатади. Шуни ёдда тутиш керакки, эрмон доривор омилларини ҳомиладор аёлларга бериш тавсия этилмайди.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос

Ishonch 2009-yil 16-aprel
№ 46 (2619)

Ғарб шеъриятида СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ



Буюк Амир Темур ҳақида соҳибқирон ҳаётлигидаёқ китоблар ёзила бошлаган. Ғарбликлардан Йоҳанн Шилбергернинг «Европа, Осиё ва Африка бўйлаб саёҳат», Султония архиепископи Иоаннинг «Дунёни билиш ҳақида китоб», Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги» (1403-1406), монах Фома Мецопнинг «Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзонинг Марказий Осиёдаги юришлари» биринчи тарихий китоблардан бўлса, ундан сўнг кўплаб олим, ёзувчи ва шоирлар Амир Темур ҳақида илмий, бадиий асарлар яратдилар. Кристофор Марлонинг (1564-1592) «Буюк Темур», Никколло Макиавеллининг «Ҳукмдор», Поджо Братчолининг «Омаднинг беқарорлиги» асарлари ғарб адабиётида Амир Темурнинг бадиий сиймоси яратилган илк асарлардандир. Александро Скарлетти (1660-1725), Никкоро Порпора (1685-1762), Фридрих Гендел (1865-1759), А.Бивалди (1676-1741), Мария Саччини (1734-1786) каби италян, немис, француз композиторлари эса буюк Темур ҳақида мусиқий асарлар яратган. Бундай асарлар ёзилишида аввало, Амир Темурнинг ўзи ёзган «Тузукот» ҳамда «Малфузот» («Хотиралар») китоблари, у ҳақда ёзилган тарихий асарлар асос бўлган. Ғарбда Амир Темур хусусида ёзиш ҳозир ҳам давом этмоқда. Ғарбу шарқда соҳибқирон тўғрисида минглаб китоблар ёзилган. Уларнинг сонини аниқ айтиш мушкул. Бу ҳақда Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Алининг мақола ва эсселарида, Муҳаммаджон Холбеков, Камола Бобожонова каби олимларнинг илмий тадқиқотида сўз юритилган.

Ғарб адабиётига шарқ оҳангларини олиб кирганлардан бири машҳур немис шоири Йоҳанн Волфганг Гётедир (1749-1832). Унинг «Ғарбу Шарқ девони» 1814 — 1820-йиллари ёзилган. Биринчи нашри 1820 йили, тўлдирилган иккинчи китоби 1827 йилда чоп этилган. Ҳ.Ҳейне бу асарни Ғарбнинг Шарққа саломи дея баҳоласа, И.Брагинский Шарқу Ғарбни уйғунлаштирган асар деганди. «Ғарбу Шарқ девони»нинг «Ҳижрат» шеъри билан бошланиши ҳам шоирнинг руҳан шарққа кўчишига ишорадек. Девон 12 бобдан, аниқроғи, муаллиф айтганидек, 12 китобдан иборат. «Ғарбу Шарқ девони»-ни немис тилидан Садриддин Салимов ўзбекчалаштириб, айрим бобларини «Жаҳон адабиёти» журналининг 1998 йилги 7, 8- сонларида эълон қилган. Ҳозиргача девон ўзбек тилида алоҳида китоб ҳолида нашр этилмади. Девоннинг еттинчи китоби «Темур китоби. Темурнома» деб номланган. Бизнингча, «Темурнома» номаълум сабабларга кўра тугалланмай қолган. Охирига етказилганида боб бу даражада қисқа бўлмасди. Фикримизни К.Бобожонованинг ушбу сўзлари ҳам қўллайди: «Шу нарса муҳимки, Гёте тузган кўрсаткичда «Ўзбеклар» деган банд бор, бундан ташқари Хоразм, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари тилга олинган. Девоннинг еттинчи боби «Темурнома» деб аталади. У икки кун — 1814 йилнинг 11 ва 12 декабри ичида ёзилган... «Темурнома» битмай қолган» («Жаҳон адабиёти» журнали). Бу фикр шарқшунос Дицнинг Гётега юборган материаллари девонга кирмай қолганига асосланиб айтилган. Гётешунослар шоир «Ғарбу Шарқ девони»ни ёзгунча жуда кўп манбаларни ўрганганини айтадилар. Қуръони Каримнинг немисча таржимасини ўқиган шоир йигирма уч ёшидаёқ «Муҳаммад қўшиғи»ни ёзгани маълум. 1809 — 1818-йилларда олти жилдлик «Шарқ хазиналари» тадқиқотини нашр эттирган, шарқшунос Жозеф Фрейҳер фон Ҳаммер-Пургстал ва Ф.Дицларнинг илмий ишларини чуқур ўзлаштиради. Форс, ҳинд адабиёти вакилларининг асарларини ўқийди. Шарқни ўз кўзи билан кўриш мақсадида Мисрга, Фаластинга саёҳат қилади, араб тилини ўрганади. Гётенинг қўлёзмалари орасида «Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳийм», «Аллоҳ», «Муҳаммад» сўзлари, «Нос» сурасининг матни борлиги бунинг яна бир исботи. Гётенинг шарққа муносабатини махсус кузатган туркиялик олим Байрам Йилмаз бу борада «Гёте ва Шарқ» («Жаҳон адабиёти», 1998, №8) мақоласида характерли фактларни келтирган. Шоирнинг бу изланишлари бесамар кетмади албатта. «Ғарбу Шарқ девони»даги Самарқанд, Бухорога оид сатрлар бунга мисол:

Темур ҳукми, салтанати
Сенга аслида хоиз.
Лаъл Бадахшон мамлакати
Берсин – феруза денгиз.
Ширин-шакар, қуруқ мева
Серқуёш ул Бухоро,
Самарқанд-чи, дафтар тўла
Қўшиқ тортиқ қилсин то.

Ёки:

Самарқанд, Балх, Бухорони
Сенинг ҳусн-жамолингга,
Инъом этмоқ ё этмаслик
Келмабди хаёлимга.

Амир Темур ва Ҳофиз Шерозий учрашгандаги суҳбатни эсга соладиган сатрлар. Ҳофиз ҳаёти, ижодини яхши ўрганган Гёте бу воқеа ҳақида хабардор бўлгани мантиқан ҳақиқатга яқинроқ келади. Не-не жаҳонгир ҳукмдорларни кўрган Шарқ тарихидан Гётенинг Амир Темур сиймосига мурожаат қилиши биз учун фахрлидир. Инсоният маънавияти камолини орзу қилган Гёте бу силсилада Шарқ асосий ҳалқа эканлигини тушуниб етган ва Шарққа эҳтиром ила муносабатда бўлган.

Амир Темур тўғрисида достон ёзган жаҳон адабиётининг ёрқин юлдузларидан бири Эдгар Алан По (1809-1849)дир. Бу ижодкор ўзбек китобхонларига ҳикоялари орқали яхши таниш. Ёшлигиданоқ Шарқ маданияти, адабиётига қизиққан Эдгар Понинг машҳур инглиз шоири Жорж Байрон ижоди таъсирида қизиқувчанлиги янада ортади. Шунинг натижасидами, ижодини шеърлар ёзишдан бошлаган бўлажак адибнинг илк асарларидаёқ шарқона мавзу устувор эди. Бу давр шеъриятида Амир Темурга бағишланган асарларнинг бўлиши биз учун, айниқса, аҳамиятлидир. 1827 йили нашр қилинган биринчи шеърий тўплами «Темурбек ва бошқа шеърлар», 1829 йилда чоп этилган иккинчи китоби «Темурбек, ал-Ароф ва кичик шеърлар» дея номланиши ҳам бежиз эмас. «Темурбек» достони ўзбек тилига икки марта таржима қилинган. Миразиз Аъзам рус тилидан ўгириб, «Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилган бўлса, Фахриёр бевосита инглиз тилидан таржима қилиб, сўзбоши билан «Жаннатмакон» (2008 йил №4) журналида, сўнг яна қайта ишлаб «Талабалар дунёси» (2009 йил №1) журналида нашр эттирди. Биринчи варианти 403, иккинчи варианти 243 мисра бўлган «Темурбек» достонида аниқ, изчил сюжет чизиғи йўқ... Асосан саккиздан ўн олти мисрагача бўлган бандларда шоирнинг дунёқараши, кечинмалари ёрқин ифодаланган. Достон шоирнинг севгилиси Элмира Ройстерга бағишлангани учун ҳам Эдгар По нозик туйғулар ифодасига урғу берган бўлиши мумкин. Аммо достонда умумий ҳажмга нисбатан ихчамроқ бўлса-да (12 мисра), Самарқанд шаҳри ва Амир Темур ҳақидаги фикрлар ниҳоятда характерли. Достоннинг оҳанги, руҳий ҳолат, ифода майинлигида Эдгар Понинг шарқ адабиётидан яхши хабардорлиги сезилиб турибди. Шарқона ташбеҳ, муболағалар билан зийнатланган мисраларда шоирнинг шарққа бўлган меҳри бўй кўрсатиб тургандек:

Замин маликаси, дилбар – Самарқанд
Жаҳон тақдирига эгалик қилар.
Барча шаҳарлардан мағрур ва баланд,
Шуҳратда у билан беллаша олар,
Айтинг, қайси шаҳар, айтинг, қайси кент?
На унинг тенги бор ва на бор мисли,
Унинг оддий тоши дунёдаги энг
Зўр тахт учун бўлар шоҳсупа асли.

Шаҳарнинг гўзал маликага қиёсланиши, жаҳон тақдирига эгалик қилиб, мағрур ва баланд бўлиши жозибали ифодалангани шоир маҳоратидан, Самарқандга ғойибона мафтунлигидан далолат. Эдгар По Самарқандни дунёда тенги йўқ шаҳар сифатида тасвирлайди ва бунга Амир Темурнинг бунёдкорлик фазилати сабаб бўлганига ишора қилади. «Унинг оддий тоши дунёдаги энг зўр тахт учун бўлар шоҳсупа асли» мисралари Эдгар По Самарқанд шаҳрини Шарқ шоирларидан қолишмайдиган даражада меҳр билан, нафис таърифлаганига далилдир. У шаҳар таърифи хўп келтирилгандан сўнг «унинг ҳукмдори ким?» деган саволни қўйди ва шундай жавоб қилади:

Шаҳар ҳукмдори ким деб сўрасангиз,

Жавобим – Темурдир, ҳайрон лак нафар
Омма кўз ўнгида турар, кўрсангиз,
Яксон салтанатлар узра музаффар!

Мана шу сатрлардан ҳам кўринадики, Эдгар По тарихий манбалардан Самарқанд ва унинг ҳукмдори Амир Темурга оид материалларни яхши ўзлаштирган. Бўлмаса бу тарзда гўзал, таъсирли таърифлай олмасди. Машҳур адибнинг айнан Амир Темурга бағишланган асар ёзиши жаҳон адабиёти намояндаларининг соҳибқирон шахсига доимо қизиққанининг яна бир мисолидир. Амир Темур сиймосини бадиий акс эттириш кўпчилик ижодкорларга давр ҳақида, ҳукмдорлар ҳақида кўнгилдаги гапларни айтиш имконини ҳам берган. Ҳақиқий ижодкор бирор тарихий шахс тимсолига бежиз мурожаат қилмайди. Амир Темурдаги бунёдкорлик иқтидори, адолат учун курашиш, мазлумларни золимлар зулмидан халос қилиш, ҳар бир ишни маслаҳат билан битириш, иложи бўлмасагина қиличга суяниш, кечиримлилик — умуман одамийлик ҳисси романтик шоир бўлган Эдгар Пони ўзига мафтун қилган бўлса ажаб эмас.



Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ЎзМУ доценти



Ҳасан ПАЙДОЕВ 1981 йил Қашқадарё вилояти, Касби тумани, Байдоқчи қишлоғида туғилган. Ҳозирда Камолиддин Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институтининг компютер графикаси ва бадиий фото бўлимида таҳсил олмоқда. Бу соҳага дастлаб унинг отаси Иброҳим Пайдо қизиқиш уйғотган. Устози фотомухбир Муҳаммад Амин.

Яқинда Бадиий Академияда ўтказилган устоз ва шогирд кўргазмасида унинг «Она ватан бўйлаб саёҳат» мавзусидаги 20 га яқин фотосуратлари намойиш этилди.

Ёш ижодкор юртимизнинг бетакрор табиати, бағрикенг одамлари, ўхшаши йўқ анъаналарини ўз фотосуратларида акс эттириб, жаҳон кўргазмаларида иштирок этиш ниятида.



Тажалли





Зўрдан зўр чиқса...




Интилиш

Асрлар садоси



Ўтмиш ва бугун





Тарихни кулфлаб бўлмайди

Ishonch 2009-yil 16-aprel
№ 46 (2615)

Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» спорт мажмуасида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши кубоги учун тармоқ ходимлари ўртасида мини футбол бўйича Наврўз байрами ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган Республика турнири финал босқичи бўлиб ўтди.

Ирода намойиши

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар терма жамоалари майдонга чиқди. Қизиқарли саралаш баҳсларидан сўнг чорак финалда қуйидаги натижалар қайд этилди:

Қашқадарё — Бухоро — 6:1, Самарқанд — Сурхондарё — 2:3, Тошкент вил.— Наманган — 7:0, ҚҚР — Фарғона — 2:5.

Ярим финал: Қашқадарё — Сурхондарё — 8:4, Тошкент вил. — Фарғона — 3:1.

3-ўрин учун баҳс: Фарғона — Сурхондарё — 3:3. Пенал-



тилар бўйича — 4:3. Ўйинда водийликлар 3:0 ҳисобида олдинга чиқиб олгач, барча спорт ишқибозлари уларнинг осон ғалабасини башорат қила бошлади. Бироқ жанубликлар ирода-ли ўйин кўрсатиб, ушбу йирик ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди — 3:3. Пеналтилар сериясидаги биргина хато Сурхон йигитларини учинчи ўриндан маҳрум этди.

Қашқадарё ҳамда Тошкент вилояти футболчилари ўртасидаги финал баҳси ҳам жуда кескин ва муросасиз тарзда ўтди. Бир неча йилдан буён тармоқ футболчилари орасида ғолибликни бировга бермай келаётган Муборак газни қайта ишлаш заводи ишчилари бу сафар ҳам 2:1 ҳисобидаги зафар қучишди. Ғолиб ва совриндор жамоаларга диплом ва кубоклар, қимматбаҳо совғалар топширилди. Турнирда иштирок этган жамоалар аъзоларига эсдалик совғалар тақдим этилди.

Биз билан суҳбатда тармоқ «Нурчи» спорт-соғломлаштириш клуби бош мутахассиси Александр Протопопов клубнинг галдаги режалари билан ўртоқлашди.

— Мини футбол даставвал ҳар йили ўтадиган тармоқ ходимлари спартакиадаси дастуридан ўрин олган эди. Лекин футбол баҳслари жуда кескин курашларга бой тарзда ўтиши муносабати билан ушбу спорт тури бўйича мусобақани алоҳида турнир сифатида ўтказиш таклифи илгари сурилди. Тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раёсатида бу масалани кўриб чиқилиб, мини футбол турнирига асос солинди.

Дарвоқе, июн ойида тармоқ ходимлари ўртасида теннис бўйича Республика турнири ўтказилади. Айни пайтда жойларда ушбу мусобақанинг босқич баҳслари давом этмоқда.

Касаба уюшма тадбири

Жойларда умумхалқ байрам — Наврўзга бағишланган турли тадбирлар, спорт мусобақалари давом этмоқда.



Байрамни безаган баҳслар

Фарғона вилоят ҳокимлиги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси ҳамда бирлашган касаба уюшма қўмитаси қўшма қарорига асосан, Ўзбекистон тумани Яккатут қишлоғида жойлашган маиший хизмат касб-ҳунар коллежида спортнинг ўн тури бўйича туман ва шаҳар босқичи ғолиблари ўртасида қизғин беллашувлар бўлиб ўтди.

— Спорт оммавийлигини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ташкиллаштирилган беллашувларга қизиқиш тобора ортиб боряпти, — дейди биз билан суҳбатда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Собирхон Саидхўжаев. — Мусобақаларни одилона бошқариш учун Фарғона Олимпия захиралари коллежи ҳамда халқ таълими бошқармаси болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидан мутахассислар жалб қилинди.

Вилоят босқичига йўлланма олган барча иштирокчиларга спорт либослари тарқатилди. Баҳсларда 170 нафар ходим совринли ўриндан жой олди. Ғолибларга вилоят ҳокимлиги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ш.Ҳолматов ва вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Н.Мадраҳимов диплом ва қимматбаҳо совғалар топширар экан, спортсеварлик жуда муҳим жиҳат эканлигини таъкидладилар.

Шунингдек, ғолиблар жамоалар ўртасида ҳам аниқланди. Унга кўра, умумжамоа ҳисобида Қўқон ҳудудий коллеж ва академик лицейлар жамоаси биринчи, Фарғона Олимпия захиралари коллежи ходимлари иккинчи ҳамда Фарғона-1 ҳудудий коллеж ва академик лицейлар спортчилари учинчи ўринни эгаллади. Улар диплом ва кўчма кубоклар билан тақдирланди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Спорт клублари кўпаяди

Самарқанд вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли БЎСМ қошида 12 та спорт клуби фаолият кўрсатяпти. Вилоят кишлоқларидаги 7 та ана шундай клуб ҳам ҳамиша гавжум. Айни чоғда чекка ҳудудларда яна 3 та спорт клублари очиш режалаштирилаётир.

Жаҳон, олимпиада ўйинлари ғолиблари ҳамда республика чемпионлари билан учрашувлар спорт ихлосмандлари сони ортишига хизмат қилмоқда. Ўтган уч ойда 19 маротаба ана шундай қўнгилли мулоқот ташкил этилди.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

9 май— Хотира ва қадрлаш куни

Ўзидан кейин унутилмас хотира қолдирган инсонларни ёдга олиш — бурчимиз. Яқинда Сирдарё туманидаги «Соҳил» маҳалласида бўлиб ўтган хотира турнири фикримизнинг далилидир.

У ҳамиша ёдимизда



Соҳилликлар маҳаллада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта ҳисса қўшган Жумақул Мавлонов хотирасини доимо эъзозлаб келишади.

Жумақул Мавлонов қаерда ишламасин, спортдан кўнглини узмади. Мусобақалар уюштириб, ҳамқишлоқларини ўйингоҳга чорлаб турарди.

Ўн йилдан буён қишлоқдошлари уни ёдга олиб, ҳар йили хотира турнирини ўтказиб келишади. Бу йил Сирдарё ва Жиззах вилоятидан келган 14 та футбол жамоаси икки кун мобайнида бош соврин учун курашди.

Тадбир сўнггида ғолибларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Мутахассис бонг уради

Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионати финал қисмига чиқиши гумон остида қолганлиги ва ўзимни кўп йиллардан бери қийнаб келаётган виждон азобидан қутулиш учун ҳам қўлимга қалам олдим.

ОАВда имкон даражасида футболга оид мақолалар билан танишиб борганларим, кўп йиллик тажрибам, таниш-билиш мутахассислардан эшитганларим, билганларим, ўзим қатнашган семинар ва йиғилишларда билдирилган фикр-мулоҳазалар шундай қилишга ундади.

Агар мураббийлар, ҳакамлар ҳақида, «досуг», маърифат ва маънавиятга бўлган эътибор, хато-камчиликлар ҳақида мулоҳаза юритсам ёки ўз билганларимни айтсам, кўпчиликка ёқмаслиги мумкин (булар тўғрисида бироз тушунчам бўлса ҳам). Лекин мен футбол клубида кўп йиллик шифокорлик тажрибамга таяниб, лоақал тиббиёт ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларим, таклифларим билан чиқсам хато бўлмаса керак. Футболчиларнинг соғлиғи, тиббий кўрикдан ўтишлари, профилактик ишлар қай даражада ташкил қилинганлиги, очиқ айтаман, талаб даражасида эмас. Афсуски, доимий тиббий профилактик назоратга бугунги кунда олий, биринчи ёки 2-лига бўлсин, етарлича эътибор йўқ. Ёки баъзи жойларда ташкил этилган тиббий хизмат кўрсатиш ва даволаш хоналаридан фойдаланиш тўғри йўлга қўйилмаган. Газеталарда асосан футбол атрофидаги ёки ташқарисидаги фикрлар билдирилади. Қани энди ичидаги ҳақиқий камчиликлар, хатоликлар ўрганиб, имкон даражасида ёлғон ва сохталиклар камайтирилса (буни батамом йўқ қилиш жуда қийин).

Инсон яхши ишлаши ва яшаши учун соғлом бўлмоғи зарур. Футболчи эса яхши ўйин кўрсатиши учун бир неча баравар соғлом бўлиши керак. Кўпинча бажарилмаётган ишларнинг асосий сабаби қилиб, маблағ йўқлиги кўрсатилади. Лекин, пулсиз бажарилса бўладиган ишлар ҳам бор-ку! Футболимиз нималарга қодир экани чет мамлакатлар билан ўйинда яққол билиниб қолмоқда.

Охирги вақтларда чемпионатимизда кучли жамоалар пайдо бўлмоқда. Бироқ футболчиларга намунали тиббий хизмат кўрсатилмас экан, ишлар кўнгилдагидек бўлмаслиги аниқ. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни билдирмоқчиман.

1. ЎФФ қошида тиббий хизмат ташкил этиш (қонуний асосда).

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг футболга оид тиббий хизматларини тўғри ташкил қилиш ҳақидаги буйруқларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш.

3. Футболчилар соғлиғини сақлаш, профилактик ишларни дастур ва режалар асосида ташки қилиш.

4. Футбол жамоасидаги шифокорларнинг малакасини ошириш ва семинарларни дастур, режа асосида уюштириш. (Охирги семинар яъни ўқув йиғилиши 2006 йилда бўлган эди. 27-28 июлда).

5. Мамлакатимиз футбол жамоаларида йил мобайнида белгиланган умумий маблағнинг ҳеч бўлмаса бир фоизини зарур тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, даволанишлар, профилактик ишлар ва тикланишларга сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юртбошимизнинг ўзи футболимизни қўллаб-қувватлаб, ёрдам беришга тайёр турганида нега футболимизга алоқадор шахслар хато-камчиликларни тан олиб, уни ҳамкорликда бартараф этиши мумкин эмас? Ўйлайманки, бу иш қўлимиздан келади.

Мирзабурҳон ДЎСТМУРОДОВ,
«Металлург» футбол клуби шифокори

Мағлубиятнинг яна бир сири




Зарар оқибати

Швейцариянинг йирик UBS банки 2009 йили 8700 кишини ишдан бўшатмоқчи. Бу ҳақда AFP агентлиги хабар тарқатди.

Банк харажатларни камайтириш учун шундай йўл тутаяпти: 2009 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича UBS 2 млрд. франк (1,75 млрд. АҚШ долларй) миқдорида зарар кўрди.

UBS тарқатган хабарда айтилишича, 2010 йилгача банк ходимлари сони 76,2 мингдан 67,5 минг кишига қисқаради.

2008 йилда банк 19,697 млрд. франк зарар кўриб, натижада, унинг 11 мингта ходими ишдан бўшатилган эди.



Муросага келишди

«France-Presse» агентлигининг маълум қилишича, Боливия президенти Эво Моралес олти кун давом этган очликдан сўнг 14 апрел куни мухолифатга қарши эълон қилган норозилик акциясини тугатди. Бунга мухолифат унинг талабини бажариб, конгресдаги сайлов ҳақидаги қонун лойиҳасига қўйилган таъқиқни олиб ташлагани сабаб бўлди.

Қонун Моралесга 2009 йил декабр ойида бўладиган президент сайловида иккинчи муддатга сайланиш учун номзодини қўйиш имконини беради. Шунингдек, конгресдаги 14 та ўрин камсонли маҳаллий ҳиндулар вакилларига берилишини назарда тутади.

Ўз навбатида Моралеснинг тарафдорлари ҳам ён беришга мажбур бўлишди: мухолифат қонунга сайловчиларнинг рўйхати уларга оид биологик маълумотлардан фойдаланган ҳолда қайта текширилиши ҳақидаги қоида киритилишини талаб қилди.


2005 йил декабр ойида Боливия президенти этиб сайланган Эво Моралес маҳаллий ҳиндулар орасидан чиққан биринчи давлат раҳбаридир.





Дунёнинг энг гўзал аёли

«Vaniti Fair» журналининг ўқувчилари дунёнинг энг гўзал аёли номини айтишди. Нашриёт сайтида хабар қилинишича, актриса Анжелина Жоли сўровда иштирок этганларнинг 58 фоиз овозини олиб, биринчи ўринга сазовор бўлди.



Қароқчиларнинг навбатдаги уриниши

Сомали денгиз қароқчилари «Либерти Сан» номли Америка кемасига ҳужум қилишди. Кема инсонпарварлик ёрдами бериш учун Момбаснинг Кения портига сузиб кетаётган эди. Қароқчилар кема портига чиқишга улгуришмади. Бунга ёрдамга етиб келган НАТО ҳарбийлари йўл қўйишмади.

Зилзила оқибати

Италияда содир бўлган зилзиладан уч киши талофат кўрган. Уч нафар Россия фуқароси зилзила туфайли ўз мол-мулки ва уй-жойидан ажралди. Италия фуқароси билан никоҳда бўлган рус аёллари зилзиладан талофат кўрган Россия фуқаролари учун банкда ҳисоб рақами очганлар. Табиий офатдан бир неча соат ўтгач, Россиянинг Италиядаги вице-консули Сергей Познаков мамлакат ҳудудида Россия фуқаролари талофат кўрмаганлигини эълон қилди. Фосса шаҳридаги вайроналар тозаланаётган пайтда россиялик уч яшар қиз топилганлиги ҳақида хабар келди. Бироқ бир соатдан сўнг шаҳар мэри бу баёнотни рад этди. Унинг айтишича, қутқарувчилар қўшни британияликлар билан россияликларнинг хонадонини адаштириб юборишган.

Самолёт ҳалокатга учради

Туркиянинг Балыкесир вилоятида ҳарбий самолёт қулаб тушди. Самолёт бортида иккита учувчи бор эди. Фожеа жойига қутқарувчилар гуруҳи етиб келди. Айтишларича, улар режали машқ ўтказаётган экан. Учувчиларнинг тақдири номаълум. Балыкесир вилояти губернатори самолёт турини маълум қилмаяпти.





Венгрия пойтахтида намойиш

Бош вазирнинг ўзгариши Венгрияда оммавий тартибсизликларга сабаб бўлди. Тўқнашувда полициячилар ҳамда намойишчиларга зиён етди. 11 нафар намойишчи ва 19 нафар полициячи жароҳатланган. «ВВС» ахборот агентлигининг хабар қилишича, намойишчилар полицияга турли буюмларни отиб, парламент биносига киришга ҳаракат қилишган. Уларга қарши кўздан ёш оқизувчи газ қўлланилган.



Ishonch 2009-yil 16-aprel
№ 48 (2615)

Изоҳи сиздан...





Қўлга киритдим охир
«Илик» мукофотини.
Бутун элга танитдим,
Қишлоғимнинг отини.

Азизбек НОРОВ,
Қарши шаҳри

* * *

Кўряпсиз қийворяпман,
Ҳатто «оперетта»ни.
Жуда осон бўларкан,
Ўрганволсанг нотани.

* * *

Эшитинглар мухлислар,
Кўп эрур айтар сўзим.
Ҳатто ижро этяпман,
«Собачий вальс»ни ўзим.

Асадулло МИРЗААКБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг раиси

* * *

Менда ҳам бордир талант,
Тик оёқда чаламан.
Хонанда бўлолмадим,
Мусиқачи бўламан.

Жавлон ШАРАПОВ,
«Мадад» суғурта агентлиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси



Энди навбатдаги суратга изоҳ тополинг-чи?

Садоқатли дўстлар

Сервиқор Ҳисор тоғ тизмасининг шундоққина бағрида жойлашган «Қўнғирот» ширкат хўжалигида Маматқул Ҳайдаров деган кекса овчи яшар эди. «Овчи бобо» деса яқин-атрофда ҳамма танирди. Бу бежиз эмас. Раҳматли 45 йил овчилик билан шуғулланган.



Овчи ҳикояси

Овчи бобонинг эртакка ўхшаб кетадиган ҳикояларини кўп эшитганман. Улардан бири хотирамда қаттиқ муҳрланиб қолган. Ҳар йили қиш келганда Маматқул бобо тасвирлаган воқеалар эсимга тушаверади.

— Овнинг гашти ўзгача бўлади, — деганди у. — Ов баҳона Деҳқоноободнинг баланд тоғлари-ю поёнсиз қир-адирлари бўйлаб кўп сайр қилганман. Доим икки този ва бир гуржи (тозидан кичик бўлади) билан ов қилдим. Кези келганда қопқондан ҳам фойдаландим.

Този — эпчил ва сезгир ит. Лекин айёр тулки унга осонликча тутқич бермайди.

Баъзан тозилар тулкини қувиб овчидан анча йироқлаб кетишади. Аммо ўлжани ёлғиз қолдиришмайди. Нега дейсизми? Чунки шум қарғалар галаси ўлимтикка ташланиши турган гап. Шунинг учун тозининг бири ўлжасини қўриқлаб туради, иккинчиси эса овчини бошлаб келади.

Атроф оппоқ қор билан қопланган қирчиллама қиш кунларининг бирида Пачкамар яйловига яёв шикорга чиқдим.

Ёнимда икки олғир този. Ўша куни ишим ўнгидан келди. Тўртта тулкини ўлжа олдим-да, пешинда изимга қайтдим. Бироз юрганимдан сўнг қарасам, мендан сал нарироқда бир бўри чўнқайиб ўтирибди, кўзларидан ўт чақнайди. Ўзимни панага олиб, ундан узоқроқ юра бошладим. Барибир қашқир сезган экан, измаиз эргашиб келаверди. Бахтга қарши тозиларимнинг бири қишлоққа кетиб қолган эди. Орадан сал вақт ўтар-ўтмай бўри увиллади. Унинг ёнида яна бири пайдо бўлди. Садоқатли иккинчи тозим эса атрофимда гирдикапалак.

Айни чилла, бўриларнинг қутурган вақти. Улардан ҳар нарсани кутиш мумкин. Мен йўлда давом этдим. Йиртқичлар сони тағин биттага кўпайди. Бор кучим билан олға интилардим. Орқамга бурилиб разм солсам, қашқирлар сони еттитага етибди. Улар бизга ҳамла қилиш учун пайт пойлашарди. Охири бўрилар бизни ҳар томондан ўраб олди. Този ҳамон ёнимда. Юриш тобора қийинлашаяпти, зўрға оёқ ташлайман.

«Наҳотки бўриларга ем бўлсам?» деган фикр миямда чарх уради. Қишлоққа тахминан бир чақиримча қолган...

Бўрилар — маккор махлуқ. Довдираб қичқирганимдан сўнг роса ҳолдан тойганимни пайқаб қолишди. Бири менга яқинлашиб ҳужум қила бошлади. Мен ҳам қўлимда заранг таёқ, жонжаҳд билан жондорга қаршилик қилаяпман. Шу аснода қизиқ воқеа юз берди.

Ўша кетган тозим қишлоқдан бир неча итни бошлаб келиб қолди. Бўрилар «ўлжа»ни ташлаб тум-тарақай қочишга тушишди.

Вафодор тозилар мени ажал чангалидан сақлаб қолишди. Ўшанда итнинг инсонга дўстлигини жуда теран англаганман.

Парда ҲАКИМОВ,
Деҳқонообод тумани

Кўклам неъматлари

Табобатда қора андизнинг илдизи ва илдизпояси қўлланади. Таркибида инулин, поевдринулин, эфир мойлари, ошловчи моддалар, шиллиқ ва анчиқ модда, пектинлар, оз миқдорда алкалоидлар бор. Қора андизнинг илдиз ва илдизпояси баҳор ёки кузда кавлаб олинади ва очиқ ҳавода қуритилади. Кунгай жойда қуритилмаслик керак.

Қора андиз

Қора андиз қадимдан ишлатиб келинади. Қон тўхтатувчи, йўтал қолдируви, пешоб ҳайдовчи, пиёзга қарши омил сифатида қўлланади.

Абу Али ибн Сино: «Қора андиз совуқдан бўлган оғриқларга, бўғин оғриқларига шифо бўлади, балғам кўчиради, юракка куч беради», — деб ёзган.

У меъда-ичак йўлини меъёрлаштиради, модда алмашинувини яхшилайди, терлатади. Шунингдек, турли тери касалликларига (экзема, қўтир, нейродермит) яхши малҳамдир. Ўсимлик барглари яраларга бевосита қўйилади.

У шамоллаш, ичак оғриғи, сил, сариқ касаллиги, бод, диабетда тавсия этилади. Илдиз қайнатмаси юқори нафас йўллари ва ўпка хасталиги (трахеит, бронхит)да буюрилади.

Қора андиз яна ўт (сафро) ҳайдовчи сифатида малҳам бўла олади. Илдизидан қайнатма тайёрлаш учун бир қисм хом ашёга 10 қисм қайноқ сув қўшилади ва 20 дақиқа қайнатилади. Сўнг дока орқали сузилиб, 2-3 қошиқдан 3-4 маҳал ичилади. Қора андизнинг дамлама ва қайнатмаси микробларга қирон келтиради. Шу хосияти билан йирингли яраларга шифо.

М. МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос

Темперамент ва феъл-атвор

Руҳият азалдан инсон ички оламини ўрганишда «олтин калит» бўлиб келган. Ҳар бир одамни бошқалардан ажратиб турадиган, унинг ўзига хослигини таъминлайдиган қатор тушунчалар бор. Темперамент ва феъл-атвор шулар сирасига киради. Феъл-атвор — инсоннинг одатлари, тевараклга, ҳаётга, одамларга муносабатини кўрсатувчи психологик хусусиятлар йиғиндиси. Инсоннинг характери ва ақли ҳақида у танлаган дўстлар ҳамда ўқийдиган китоблари орқали маълумотга эга бўлиш мумкин, аммо шахсий хусусиятлари, яъни темпераментини бу йўсин аниқлаб бўлмайди.



Темперамент ҳар бир шахснинг асаб тизимига боғлиқ бўлиб, унинг ҳаракат тезлиги юриши, овоз темпи ва баландлиги билан белгиланади. Қадимги Грецияда яшаган буюк табиб Гиппократ одамларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин деб илмий назарияларини ёзиб қолдирган. Кейинчалик бунга темперамент деб ном берилди.

Меланхоликлар асаб тизими заиф, тезда ранжийдиган, таъсирчан, янги шароитга секин кўникадиган, бир қарорга келиши ўта мушкул бўлган характер эгаларидир. Кўпинча уларнинг овозлари паст чиқади. Ҳаётда арзимас муваффақиятсизликка учраса ҳам тез тушкунликка тушади. Шунинг учун бундай пайтда уларни қўллаб-қувватлаш керак.

Меланхоликлар мақсад сари интилсада, бу йўлда учрайдиган тўсиқларни енгишга иродаси етишмаслигини, асаби дош бермаслигини билса, мақсадидан осонлик билан воз кечиши мумкин. Кундалик ҳаётда улар ҳар нарсага эътиборли ва эҳтиёткор бўлишади. Тавакқал қилишни ёқтиришмайди. Шунинг учун камдан-кам ҳолатларда хавф-хатарга учрайдилар.

Меланхоликлар гўзалликка интилувчан, истеъдодли, ижодкор гуруҳ вакилларидир. Шу сабабли кўпгина буюк ёзувчи ва шоирлар, бастакорларнинг темпераменти айнан шу гуруҳга мансубдир.

Холериклар меланхоликларга тамоман қарама-қарши бўлган темперамент вакилларидир. Улар жуда фаол ҳаёт кечиришга ўрганишган. Бир ишга қизиқиб кетса, охирига етказмай қўйишмайди. Кўпинча уларнинг ҳаракат ва сўзларида кескинлик, баъзида эса қўполликни ҳам кўриш мумкин. Улар кутишни ёмон кўришади.

Холериклар олмасдан олиб қўядиган, гапирмасдан бақирадиган, юрмасдан югурадиганлар тоифасидандир. Уларнинг ҳаракати фикрларидан олдин юради, шунинг учун бир ишни қилиб қўйиб, кейин фикр юритадилар. Холерикларни вазмин дейиш нотўғри бўлади. Улар гоҳида хушчақчақ ва дилкаш суҳбатдош, гоҳо жиззаки ва асабий ҳолатда бўладилар. Шундай пайтда уларни умуман гап уқмайдиган, тўғрини ҳам нотўғри деб туриб оладиган, тўнини тескари кийган одам қиёфасида кўриш мумкин.

Бошқа тарафдан эса холериклар фанларни, билимларни осон ўзлаштиришади. Улардан яхши, қизиқарли, фойдали фикрлар чиқади. Аммо уларни ҳаётга татбиқ этиш учун бошқалар шуғулланиши керак бўлади, чунки ўзларида бунга тоқат етишмайди.

Сангвиниклар — холерикларга ўхшаб мустаҳкам асаб тизимига эга, лекин уларга нисбатан вазмин ва босиқ темперамент вакиллари. Ҳис-ҳаяжонларини жиловлашни ҳам, ортиқча асабийлашмасликни ҳам яхши уддалайди. Сангвиникларни янги шароитга тез кўникадиган, одамлар билан дарҳол тил топишиб кетадиган, тавакқал қилишни яхши кўрадиган инсонлар дейиш мумкин. Уларнинг нутқлари тез, овозлари баланд бўлади ва шу билан бирга мимика ва имо-ишора билан гапирадилар.

Сангвиникларнинг диллари ва қизиқишлари тез-тез ўзгариб туради. Бир иш билан доимий шуғулланса, тез зерикади ва ўзларига бошқа машғулот топишга ҳаракат қилади.

Флегматиклар хотиржам, босиқ ва унчамунчага пинакларини ҳам бузмайдиган темперамент эгаларидир. Улар кўп гапиришдан кўра иш билан машғул бўлишни афзал билишади. Ҳаракатлари секин, нутқлари равон бўлади. Ҳар қандай муваффақиятсизлик уларнинг асаб тизимига заррача таъсир қилмайди. Флегматиклар жуда ёмон шароитда ҳам узоқ ва бардош билан ишлашлари мумкин, янги шароитга секин кўникадилар, шунинг учун ўзгаришларни ёмон кўришади.

Бу темперамент эгаларининг яхши хусусиятларидан бири кута олишларида намоён бўлади. Узоқ кутиш уларни ҳеч қандай ноқулайлик, асаббузарлик ва қайғуга гирифтор этолмайди. Керак бўлса, ўн-йигирма йиллаб ҳам кутишлари мумкин.

Улар кўпинча беғам, ён-атрофдаги воқеаларга бефарқ бўладилар. Халқимиз бундайларга нисбатан: «Дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайди» ёхуд «Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам» каби ибораларни қўллайди.

Жамшид НИЁЗОВ

Ishonch
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирсолиқ Содиқов, Норжамат Аллаёров, Носиртхон Ғаббаров, Ойсулув Нафасова, Пирмуқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Букоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133, 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашриимиздан кўчириб босилганда Ishonch'дан олинганини кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓝ белгиси остида чоп этилади.

ISSN 2010-5002

Навбатчи хотиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - А.Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ - С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Буюртма: Г—314 | Тиражи: 18600

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Сотувда эркин нархда | 2345678